ОПИСАНО
12 АПР 1991

Тошкент ҳақиқати

РЎЗНОМА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ ҚЎМИТАСИ, ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИНИНГ БОШ НАШРИ

• 1991 йил 30 март • шанба •
№ 62 (10.058). Баҳоси 10 тийин.

Ўзбекистон ССЖ Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг қарори

29 март 1991 йил 74-сон Тошкент шаҳри

ЧАКАНА НАРХЛАРНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

ССЖИ Президентининг 1991 йил 19 мартдаги «Чакана нархларни ислоҳ қилиш ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тўғрисида»ги фармонига ва ССЖИ Вазирлар Маҳкамасининг 1991 йил 19 мартдаги 105-сон қарорига мувофиқ, шунингдек 1991 йилнинг 1 январидан саноатда ва халқ хўжалигининг бошқа тармоқларида янги улгуржи нархлар ва тарифларнинг ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига харид нархларининг жорий қилинганлиги муносабати билан Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. ССЖИ Президентининг 1991 йил 19 мартдаги «Чакана нархларни ислоҳ қилиш ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тўғрисида»ги фармони ва ССЖИ Вазирлар Маҳкамасининг 1991 йил 19 мартдаги 105-сон қарори инобатга олиниб, амал қилиш учун қабул қилинсин.

2. Чакана нархлар босқичма-босқич бир меъёрга келтирилган ҳолда ислоҳ қилинсин. Бунда шулар назарда тутилсинки, халқ истеъмоли молларининг нархлари ва кўрсатиладиган хизматлар тарифлари уларни ишлаб чиқариш ва реализация қилишнинг реал қийматини, истеъмол хусусиятларини, талаб ва таклифлар нисбатини, аҳолининг турмуш даражасини белгиловчи асосий товарларга чакана нархларни оширишнинг жумҳурият ҳудудида ягона чегарасини белгилашни ҳисобга олиб шакллантирилади.

Чакана нархлар ва тарифларни ўзгартириш аҳолини ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш бўйича компенсация тадбирларини ўтказиш, иш ҳақини, стипендияларни, пенсияларни, нафақаларни ва бошқа ижтимоий тўловларни ошириш билан боғлиқ ҳолда олиб борилсин.

3. Асосий халқ истеъмоли молларининг давлат чакана нархларини ошириш чегаралари 1-иловага мувофиқ белгилансин.

4. Ўзбекистон ССЖ давлат нархлар қўмитаси, Қорақалпоғистон МССЖ Вазирлар Кенгаши, вилоят ижроия қўмиталари ва Тошкент шаҳар ижроия қўмитаси ўз ваколатлари доирасида янги чакана нархларни тасдиқласинлар ва уларни 1991 йил 2 апрелдан бошлаб кучга киритсинлар, прейскурантларни барча манфаатдор вазирликлар, идоралар, корхоналар ва ташкилотларга етказишни таъминласинлар.

5. 1991 йилда ун, нон ва нонбулка маҳсулотлари, дори-дармонлар ва тиббиёт маҳсулотлари, кофе, сунъий толадан бўлган газлама ва улардан бўлган маҳсулотлар, сунъий материаллардан тайёрланган пойабзал, мўйна, трикотаж маҳсулотлари, пайпоқ ва ўйинчоқлар, аҳолига сотиладиган бензин, керосин, электр энергияси, газ, кўмир, печь ёқилғиси ва ўтиннинг, шунингдек, арақнинг амалдаги давлат чакана нархлари оширилмасин.

ЎзССЖ Молия вазирлиги жумҳурият бюджети ҳисобидан 1991 йилда ун, нон ва нон-булка маҳсулотлари нархларидаги фарқлар учун ЎзССЖ Дон маҳсулотлари вазирлигига компенсация берсин.

6. Белгилаб қўйилсинки, асосий озиқ-овқат товарлари, чойшаблар, газламаларнинг оммавий турлари, кийим-кечак ва пойабзал, шахсий гигиена буюмлари ва тамаки маҳсулотлари, қурилиш материаллари, мебель, гулқоғозлар, идиш-товоқлар, рўзғор кимёси товарлари, бошқа бир қатор товарлар, шунингдек, шаҳар транспортида (автобус, троллейбус, трамвай, метро) йўловчиларни ташиш тарифларининг қимматлашганлиги учун аҳолига тўлиқ компенсация қилинсин.

7. Чакана нархларнинг ошишини чеклаш мақсадларида 1991 йилда балиқ маҳсулотларига, дори-дармонлар ва ижтимоий аҳамиятга молик бошқа бир қанча халқ истеъмоли молларига дотация бериш қисман сақлаб қолинсин.

ЎзССЖ Молия вазирлиги 1991 йилда юқорида кўрсатилган маҳсулотлар ва товарлар нархларидаги фарқларни қопласин.

8. Одамларни ташиш тарифлари таксида бир километр учун 40 тийин миқдорида, автобус, троллейбус, трамвай ва метрода юриш унун 15 тийин қилиб белгилансин.

ЎзССЖ Молия вазирлиги ҳар йили автобус, троллейбус, трамвай ва метрополитенда одамларни ташиш тарифларидаги фарқни қопласин.

Шаҳар атрофига қатновчи темирйўл транспортида йўловчиларни ташиш қиймати ўртача 280 фоиз оширилсин.

Шаҳар атрофига ва шаҳарлараро қатновчи автобусларда йўловчиларни ташиш ҳақи 60 фоиз, жумҳуриятлараро автобусларда ташиш ҳақи икки баравар оширилсин.

9. Белгилаб қўйилсинки, 1991 йилда 2-иловага мувофиқ товарлар аҳолига бошқариладиган нархларда сотилади. Нархларни бошқариш уларнинг прейскурант нархларига нисбатан энг юқори даражаларини ёки ўзгартириш ҳажмларини жорий қилиш йўли билан ёҳуд нархларни белгиловчи органлар ўз ваколатлари доирасида белгилайдиган бошқа тартибда амалга оширилади.

Ўзбекистон ССЖ давлат нархлар қўмитаси, Қорақалпоғистон МССЖ Вазирлар Кенгаши, вилоят ижроия қўмиталари ва Тошкент шаҳар ижроия қўмитаси ўз ваколатлари доирасида нархларнинг энг юқори даражаларини ёки уларнинг ўзгариш ҳажмларини тасдиқласинлар ҳамда уларни барча манфаатдор корхоналар ва ташкилотларга етказсинлар.

10. Ўзбекистон ССЖ Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг 1990 йил 27 ноябрдаги 370-сон қарорида тасдиқланган аҳолига шартномали (эркин) чакана нархлар бўйича сотиладиган халқ истеъмоли моллари рўйхатига 3-иловадаги товарлар киритилсин.

11. Шаҳар йўловчилар ташиш транспортида янги тарифлар жорий этилиши муносабати билан аҳоли айрим тоифаларини ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида ўқувчилар, кундузги бўлимларнинг студентлари, пенсионерлар, ногиронлар ва Улуғ Ватан уруши қатнашчилари учун имтиёзли ойлик йўл патталари ҳамда амалдаги қонунлар ва Ўзбекистон ССЖ Президентининг фармонлари билан белгиланган шаҳар транспортида текин юриш бўйича имтиёзлар сақлаб қолинсин.

12. Нарх белгилашнинг бундан буён эркин асосга ўтиши муносабати билан «Д» ва «Н» индексли халқ истеъмоли молларига устама белгилаш тўхтатилсин.

13. Аҳолига савдо хизмати кўрсатиш даражасини ошириш, арзон ва қиммат моллар сотишнинг тенг афзаллигини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон ССЖ давлат нархлар қўмитаси ЎзССЖ Савдо вазирлиги билан биргаликда янги давлат чакана нархлари билан бир вақтда халқ истеъмоли моллари бўйича табақалаштирилган янги савдо чегирмаларини жорий этсин. Бунда чакана савдо ва умумий овқатланиш корхоналари учун чегирмалар бир хил миқдорда белгилансин.

Зарур ҳолларда давлат чакана нархлари бўйича етказиб бериладиган молларга оширилган савдо чегирмалари белгиланадиган ноҳиялар, ташкилотлар ва корхоналар рўйхати аниқлансин, шунингдек, улгуржи ва чакана нархлар, тарифлар, ижтимоий суғурта бадаллари ва савдо чегирмаларининг ошиши муносабати билан умумий овқатланишдаги устама нархлар миқдори қайта кўриб чиқилсин.

14. Қорақалпоғистон МССЖ Вазирлар Кенгашига, вилоят ижроия қўмиталарига ва Тошкент шаҳар ижроия қўмитасига кинотеатрлар ва киноқурилмаларга кириш, шунингдек, видеопрограммаларни кўриш патталари нархларини СССР Министрлар Советининг «Совет кинематографиясининг ижодий, ташкилий ва иқтисодий фаолиятини қайта қуриш тўғрисида» 1989 йил 18 ноябрдаги 1003-сон қарорига мувофиқ белгилаш ҳуқуқи берилсин.

ЎзССЖ Маданият вазирлиги Ўзбекистон ССЖ давлат нархлар қўмитаси ва ЎзССЖ Молия вазирлиги билан келишган ҳолда кўрсатиб ўтилган хизмат турларига нархларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш тартибини тасдиқласин.

15. ЎзССЖ Савдо вазирлиги, Ўзбекбирлашув, ишчилар таъминоти бошқармалари ва ишчилар таъминоти бўлимлари чакана нархлари ўзгарадиган товар-материал бойликлар қолдиқларини 1991 йил 2 апрелдаги ҳолатига кўра қайта баҳолашни ўтказсинлар, қайта баҳолашгача бўлган сумма жумҳурият бюджети даромадига ўтказилсин.

Ўзбекистон ССЖ давлат нархлар қўмитаси, ЎзССЖ Молия вазирлиги ЎзССЖ Савдо вазирлиги ва Ўзбекбирлашув билан биргаликда қайта баҳолашни ўтказиш тўғрисида кўрсатма тайёрласинлар.

16. Қорақалпоғистон МССЖ Вазирлар Кенгаши, вилоят ижроия қўмиталари, Тошкент шаҳар ижроия қўмитаси, вазирликлар, идоралар, корхоналар ва ташкилотлар раҳбарлари корхоналар хўжалик фаолиятининг яхшиланишини, фан ютуқлари, илғор техника ва технологиянинг ишлаб чиқаришга жорий этилиши ҳисобига маҳсулот таннархининг пасайишини, ишлаб чиқаришда уюшқоқлик ва тартибни таъминласинлар; халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш бўйича шартнома мажбуриятларининг бажарилиши учун корхоналарнинг моддий-техника ресурслари билан таъминланишини қаттиқ назорат қилсинлар; ўзларига қарашли корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотларнинг нарх белгилаш ишларини яхшилаш учун зарур чора-тадбирлар кўрсинлар; тегишли бўлинмаларни малакали мутахассислар билан таъминласинлар; нархлар ва тарифларнинг иқтисодий асосланишига талабчанликни оширсинлар; прейскурант хўжалигини юритишни яхшиласинлар ҳамда давлат нарх интизомига ва компенсация тўловлари миқдорларига қатъий риоя қилинишини таъминласинлар.

Ўзбекистон ССЖ давлат нархлар қўмитаси нарх белгилашнинг белгиланган тартибига риоя этилишини назорат қилишни кучайтирсин, амалдаги қонунларга хилоф ҳолда белгиланадиган нархларни ўз вақтида бекор қилсин, давлат нарх интизомини бузувчи корхоналар ва ташкилотларга нисбатан иқтисодий жазолар қўлланилишининг муқаррарлигини таъминласин ва айбдор бўлган шахсларни жавобгарликка тортиш чораларини кўрсин.

17. ЎзССЖ Моддий-техника таъминоти давлат-кооператив қўмитаси тузилган шартномалар асосида халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш учун жумҳурият корхоналари ва ташкилотларини моддий-техника ресурслари билан тўла ҳажмда таъминласин.

18. ЎзССЖ Молия вазирлиги 5 кун муддат ичида ЎзССЖ Савдо вазирлиги ва Ўзбекбирлашув билан биргаликда бу идораларга ўз оборот маблағлари нормативининг кўпайтирилиши муносабати билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқсин.

19. ЎзССЖ прокуратураси, ЎзССЖ Давлат хавфсизлиги қўмитаси, ЎзССЖ Ички ишлар вазирлиги савдо тармоқларида товар-материал бойликлари қолдиқларини қайта баҳолашни ўтказишни қаттиқ назорат остига олсинлар ва натижалар ҳақида янги чакана нархлар жорий этилганидан кейин 10 кун муддат ичида маълум қилсинлар.

20. ССЖИ Вазирлар Маҳкамаси 1991 йил 19 мартдаги 105-сон қарори билан қуйидагиларни топширганлиги маълумот учун қабул қилинсин:

ССЖИ Темир йўллар вазирлиги ва ССЖИ Денгиз флоти вазирлиги вагон-ресторанлар ва купе-буфетларда, кемалардаги умумий овқатланиш корхоналарида сотиладиган маҳсулотлар ва молларга янги устама нархлар белгилашсин;

ССЖИ Темир йўллар вазирлиги, ССЖИ Фуқаро авиацияси вазирлиги, ССЖИ Денгиз флоти вазирлиги ва ССЖИ Алоқа вазирлиги, ССЖИ Давлат нархлар қўмитаси билан келишилган ҳолда темир йўл, авиация, денгиз транспортида йўловчилар ташишнинг ва алоқа хизматининг янги тарифлари нархларини тасдиқласинлар.

21. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Вазирлар Маҳкамасининг умумиқтисодиёт комплекси ва тармоқ бўлимларига юклатилсин, улар ҳар кварталда ўз мажлисларида вазирликлар ва идоралар раҳбарларининг қарор ижроси ҳақидаги ҳисоботларини эшитсинлар.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси

И. КАРИМОВ.

ЎЗБЕКИСТОН ССЖ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ 1991 ЙИЛ 29 МАРТДАГИ 74-СОН ҚАРОРИГА 1-ИЛОВА

АСОСИЙ ОЗИҚ-ОВҚАТ МОЛЛАРИ ДАВЛАТ ЧАКАНА НАРХЛАРИНИ ОШИРИШНИНГ ЭНГ ЮҚОРИ МИҚДОРЛАРИ

(ўрта даражада, фоиз ҳисобида)

Гўшт ва гўшт маҳсулотлари	375*
Сут ва сут маҳсулотлари	230*
Тухум ва тухум маҳсулотлари	120*
Нон, ун, макарон маҳсулотлари	—**
Ёрма, шу жумладан, гуруч	200
Қанд-шакар	135
Чой	100
Балиқ маҳсулотлари	130
Туз	240
Ўсимлик ёғи, маргарин маҳсулоти ва майонез, кир совун ва атир совун	100
Озиқ-овқат концентратлари	200
Мамлакатимизда ишлаб чиқарилган айрим тамаки маҳсулотлари	50
Чойшаблар, ички кийим, газлама буюмлари, кийим-кечак, пойабзалнинг оммавий турлари	135
Болаларга аталган моллар	195
Маданий-маиший ва хўжалик моллари	75
Йўловчилар ташиш тарифлари:	
темирйўл транспортида	70
авиация транспортида	80
денгиз транспортида	140
Аҳоли учун алоқа хизматлари	20

* Ўзбекистон ССЖда мазкур маҳсулотлар турлари бўйича ишлаб чиқариш ва тақсимлаш хусусиятларига кўра чакана нархларни оширишнинг жумҳурият энг юқори миқдорлари белгиланади.

** 1991 йилда чакана нархлар 1990 йилдаги нон, ун ва макарон маҳсулотларига амалдаги нархлар даражасида сақлаб қолинади.

ЎЗБЕКИСТОН ССЖ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ 1991 ЙИЛ 29 МАРТДАГИ 74-СОН ҚАРОРИГА 2-ИЛОВА

БОШҚАРИЛАДИГАН ЧАКАНА НАРХЛАР БИЛАН АҲОЛИГА СОТИЛАДИГАН ХАЛҚ ИСТЕЪМОЛИ МОЛЛАРИ РЎЙХАТИ

ЕНГИЛ САНОАТ МАҲСУЛОТЛАРИ

Янги модали газламалар, трикотаж газламалар, шунингдек болаларга аталган юқори сифатли моллар

Катталар учун қуён, қўй, қоракўл тери ва бошқа мўйна турларидан тайёрланган ёқалар (қимматбаҳо турларидан ташқари)

Катталар учун қуён ва қўй терисидан тикилган бош кийимлар

Момиқ ва пат буюмлари*

МАДАНИЙ-МАИШИЙ ВА ХЎЖАЛИК МОЛЛАРИ

Енгил автомобиллар

Ёғоч-тахта ва қурилиш материаллари

Ўқувчилар дафтарлари ва болалар учун идора моллари

Ўсмирлар ва болаларнинг велосипедлари

Болалар аравачалари

Болалар ўйинчоқлари

Гугуртлар

Қўлда сиқиладиган кир ювиш машиналари

250 литргача бўлган ҳажмдаги холодильниклар

3—4-мураккаблик гуруҳига мансуб бўлган радио эшиттиришларини қабул қилиш, овоз ёзиш ва овоз чиқариш қурилмалари

Қора-оқ тасвирли телевизорлар

2—3-туркумга мансуб рангли тасвирли телевизорлар

Тўғри чокли тикув машиналари

Синтетик кир ювиш воситалари

Газ ва электр плиталари

Фильмоскоплар, диафильмлар ва болалар учун бошқа кино-фото моллари

Болаларга аталган грампластинкалар

Ток манбалари (ток билан таъминлаш элементлари)

Китоблар ва китоб маҳсулотлари

Мебель (унинг айрим буюмлари — столлар, стуллар, диванлар, кароватлар ҳамда туркумга ва йиғмага кирмайдиган бошқа буюмлар)

Гул қоғозлар

Сирланган ва алюмин идишлар

Тўқиш аппаратлари

Рангсиз шишадан тайёрланган, пуфлама ва пресслланган идишлар

Гуруҳларга бўлинадиган чинни-фаянс идишлар

Бир андозада тайёрланган уйлар ва боғ ҳовли уйлари, деталь комплектлари

Қишлоқ хўжалигида ишлатиладиган кичик тракторлар, мотоблоклар ва мотокультиваторлар

Хўжалик асбоблари

Маҳаллий қурилиш материаллари

Кигиз ва кигиз буюмлари*

ОЗИҚ-ОВҚАТ МОЛЛАРИ

Винолар, шу жумладан шампань виноси

Оддий коньяклар

Ликёр-арақ маҳсулотлари

Пиво

Пардоз-андоз буюмлари

Карамель

Тропик мевалар, цитрус мевалари ва уларни қайта ишлашдан олинган маҳсулотлар

Олий навли дудланган ва ярим дудланган колбасалар*

Мева данакларидан тайёрланган ёғ*

Шарқ миллий ширинликлари*

* Мазкур моллар жумҳурият ваколатига мувофиқ киритилган.

ЎЗБЕКИСТОН ССЖ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ 1991 ЙИЛ 29 МАРТДАГИ 74-СОН ҚАРОРИГА 3-ИЛОВА

ШАРТНОМА (ЭРКИН) НАРХЛАР БИЛАН АҲОЛИГА СОТИЛАДИГАН ХАЛҚ ИСТЕЪМОЛИ МОЛЛАРИ РЎЙХАТИГА ҚЎШИМЧА РАВИШДА КИРИТИЛАДИГАН МАМЛАКАТИМИЗДА ВА ЧЕТ ЭЛДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН МОЛЛАР

ЕНГИЛ САНОАТ МОЛЛАРИ

Зиғирпоя толасидан тўқилган газламалар ва улардан ишланган буюмлар, шунингдек, дастурхонлар, чойшаблар ва бошқа доналаб сотиладиган буюмлар (ишлаб чиқариш-техника мақсадларидаги маҳсулотлардан ташқари)

Табиий ипакдан ва бошқа толалар билан қўшиб тўқилган газламалар ва улардан ишланган буюмлар, ипакдан тўқилган мебель газламалари, чойшаблар, ёпқичлар, дастурхонлар, эшик ва дераза пардалари, духоба (ишлаб чиқариш-техника мақсадларида ишлатиладиган маҳсулотлардан ташқари), тукли духоба

Соф жундан тўқилган газламалар (махсус мақсадларда ишлатиладиган газламалардан ташқари) ва улардан ишланган буюмлар, мебель газламалари, туя жуни ва ангор эчкиси жунларидан тўқилган адёллар, қалин жун рўмоллар, чойшаблар, ёпқичлар, дастурхонлар, эшик, дераза пардалари

Ип газламадан тўқилган кўйлакбоп жаккард ва креп тўқимали газламалар, маркизет, вуаль (тўр), батис, дока, 400 г/квадрат метрдан юқори оғирликдаги жинси газламалари, духоба ва улардан ишланган буюмлар, шунингдек, мебель газламалари, чойшаблар, ёпқичлар, дастурхонлар, эшик ва дераза пардалари

Пахтадан ишланган янги модадаги буюмлар, ярим жун ва кимёвий толалар

Нотўқима пахмоқ ва тикма ипли сочиқбоп, кўйлакблузкабоп, гулли газламалар

Тўрпардабоп полотнолар, энг оддий таркибдаги полотнолардан ташқари

Пахтадан тайёрланган тўқув ва тикув иплари, табиий ипакдан тайёрланган тикув иплари

Катта ёшдагилар учун моделли, спорт усталари фаол дам олиш учун мўлжалланган чарм пойабзаллар

Катта ёшдагиларнинг спорт ва фаол дам олиши учун мўлжалланган полимер пойабзаллари

45, 52-номерли соф жун калавадан, четдан келтирилган фасонли калавадан ва эчки момиғидан катта ёшдагилар учун тайёрланган трикотаж буюмлар

Гиламлар ва гилам буюмлари

Табиий ва сунъий чармдан тайёрланган чарм-атторлик буюмлари (махсус мўлжалланган ва болаларга аталган буюмлардан ташқари)

Тўқимачилик-атторлик буюмлари (махсус мақсадларга мўлжалланган маҳсулотдан ташқари)

Катта ёшдагилар учун табиий мўйнанинг қимматбаҳо турларидан тайёрланган ёқалар

Катта ёшдагилар учун мўлжалланган ҳориждан келтирилган юқори сифатли тикувчилик, трикотаж буюмлари, пойабзал, чарм-атторлик буюмлари

Каноп ва арқонлар

Метанитдан фойдаланиб тайёрланган газламалар ва буюмлар

Мамлакатимизда ишлаб чиқарилган табиий чармдан тайёрланган кийимлар

Зардўзлик буюмлари*

Халқ бадиий ҳунармандчилиги буюмлари ва совғалар*

МАДАНИЙ-МАИШИЙ ВА ХЎЖАЛИК МОЛЛАРИ

Соатлар

Шахсий электрон-ҳисоблаш машиналари ва микрокалькуляторлар

250 литрдан ортиқ ҳажмли холодильниклар, 2—3 бўлмали холодильниклар, музлатгичлар

Яримавтомат ва автомат кир ювиш машиналари

Яримавтомат ва автомат «зиг-заг» тикув машиналари, тўқув машиналари

Чангютгичлар, полпардозлагичлар ва бошқа электр рўзғор буюмлари

Электр ва радиоўлчов асбоблари

Шарикли ва пероли авторучкалар

Грампластинкалар (болаларга мўлжалланганларидан ташқари)

Телефон аппаратлари, уларга тегишли эҳтиёт қисмлар ва буюмлар*

Фото-кино товарлари (болалар учун мўлжалланганидан ташқари)

Сув иситадиган иситиш аппаратлари ва қурилмалари

Ёғочдан ва металлдан тайёрланган хўжалик моллари

Оқ қоғоз товарлари (мактаб-ёзув товарлари ва болалар учун мўлжалланганидан ташқари)

Кўзгулар

Пластмасса буюмлари

Зангламайдиган пўлатдан тайёрланган идишлар

Боғдорчилик-полизчилик асбоблари

Майда-чуйда металл буюмлари, қулфлар

Маиший кимё моллари

Спорт моллари

Мусиқа асбоблари

2-мураккаблик гуруҳига мансуб бўлган радиоэшиттиришларни қабул қилиш, овоз ёзиш ва овоз чиқариш қурилмалари (радиоприёмниклар, радиолалар ва бошқалар)

мото-велосипед товарлари, автомобиль буюмлари (болалар учун мўлжалланганларидан ташқари)

Якка тартибда фойдаланиш учун мўлжалланган қурилиш машиналари

Қилдан тайёрланган чўтка буюмлари

Бадиий-ҳунармандчилик буюмлари, совғалар, нишонлар

Металлдан ишланган заргарлик ва атторлик буюмлари, маникюр жиҳозлари, несессерлар ва бошқа атторлик буюмлари

Сантехника асбоб-ускуналари

Электр ва радиотоварларга ҳамда мураккаб техникавий маданий-маиший ва хўжалик моллари учун эҳтиёт қисмлар

Эгар-жабдуқ буюмлари*

Арчалар*

Сопол ва кулолчилик буюмлари*

Зоотоварлар*

ОЗИҚ-ОВҚАТ МОЛЛАРИ

Хом дудланган колбаса маҳсулотлари

Музқаймоқ

Ёғли нон-булка ва тешик кулча, қоқ нон, кирсиллама нон, ҳар хил пишириқлар (соломка, рожки, рогалики)

Қуймоқбоп ун

Қандолатчилик маҳсулотлари (карамелдан ташқари)

Алкоголсиз ичимликлар ва минерал сувлар

Қуён гўшти

Тирик балиқ

Юқори тўйимли ёрма

Крахмал

Гиёҳлар қўшилган чой

Ҳориждан келтирилган тамаки маҳсулотлари

Зираворлар ва дориворлар*

*) Кўрсатилган товарлар жумҳурият ваколатига мувофиқ киритилган.

РАҲМАТ!

ЎЗБЕКИСТОН ССР ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ ВАЗИРЛАР КАБИНЕТИДА

Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Кабинети «Ўзбекистон ССР ҳудудида маҳсулот сотишдан олинадиган солиққа оид имтиёзлар тўғрисида» қарор қабул қилди.

Чакана нархлар оширилиши муносабати билан аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Кабинети **қарор қилди:**

Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Кабинетининг 1991 йил 4 март 47-сон қарори билан тасдиқланган «Сотишдан солиқ олиш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низом»нинг 18-бандидаги «Е» кичик бандини қисман ўзгартириб, аҳолига сотиладиган қуйидаги маҳсулотларга беш фоизли солиқ солинмасин:

нон ва нон булка маҳсулотлари,

ёрма, жумладан гуруч,

макарон маҳсулотлари,

ўсимлик мойи,

сут маҳсулотлари, жумладан мол ёғи,

гўшт маҳсулотлари,

тухум,

қанд-шакар,

синтетик кир ювиш воситалари,

кир совун ва атир совун,

болалар овқати,

ип-газлама,

калиш.

Тегишли вазирликлар ва идораларга ушбу қарорнинг бажарилишини таъминлаш вазифаси топширилди.

ИНСОН ВА ҚОНУН

ҲАҚИҚАТ ТАНТАНАСИ

(«ПАХТА ИШИ» ТУФАЙЛИ НОҲАҚ ҚАМАЛГАНЛАРДАН ЯНА БИРИНИНГ ТАҚДИРИ ХУСУСИДА)

Хушвақт ака билан унинг оддийгина қилиб жиҳозланган хонасида суҳбатлашиб ўтирибмиз. У гоҳ ҳаёлга берилади, гоҳ чуқур хўрсиниб, нохуш хаёллар оғушида безовталанади, ўзи сезмаган ҳолда столни енгилгина шапалатиб қўяди.

— Ўтиб кетди ҳаммаси, — деди у «уҳ» тортиб. — Энди бу ёғига омон бўлайлик. Лекин тортган аламларимни унутолмайман. Икки ёнимда қурол тутган тўрт нафар соқчи қуршовида бораётиб, атрофимда қон-қақшаб, ортимдан бўзлаганча эргашаётган фарзандларимнинг ўша кезлардаги ҳолатларини эсласам ўрнимдан туриб кетаман, хўрлигим келади. Қайси гуноҳларим учун шундай кўйга солишганини ўйлаб, ўйимга етолмайман. Айниқса, Ўрта Чирчиқ районига қарашли ички ишлар бўлими ҳузуридаги гумондорларни вақтинчалик сақлаш камерасида (КПЗ) ўтган икки куним хотирамдан бир умр ўчмаса керак. Ертўлага жойлашган бу камера зах ва қоронғу, каламушлар овқат излаб изғиб юришади. Хушёр бўлмасангиз, даф қилиб қолишади. Икки кеча тик туриб тонг орттирганман...

Хушвақт ака «уҳ» тортди. Суҳбатни давом эттиришга қийналаётганлигини сезиб турардим.

— Ҳар қалай бизлар нисбатан ёшроқ эканлигимиз туфайлими маҳбусликнинг ҳамма қийинчиликларига бардош бердик. Бевақт кўз юмган пахтакорларимизга ачинаман. «Гулистон» жамоа хўжалигини ҳақиқий гулистонга айлантирган, унга 36 йил раислик қилган Ислиддин Ҳайдаров билан «КПСС XXVI съезди» шўро хўжалигининг бўлим бошқарувчиси бўлиб ишлаган Ҳаким Бегматов ноҳақлик қурбони бўлишди. Қамоқдалик чоғларидаёқ ўзларини «еб» қўйишган экан, озодликка чиқиб, кўп яшамадилар. Ҳалол кишилар эди. Меҳнатлари эвазига қарийб бир вақтда Ленин ордени билан тақдирланишганди. «Пискент» шўро хўжалигининг 2-бўлими собиқ бошқарувчиси Абдурашид Жўраев ҳам тергов тугар-тугамас вафот этди. Уларни маҳбуслик азоблари эмас, орият ўлдирди, ноҳақлик қурбон қилди. Узоқ йиллик ҳалол меҳнатлари эвазига охир-оқибат кўрганлари сим тўр бўлди. Ҳақиқатнинг қарор топганини ўз кўзлари билан кўришолмади, худо раҳмат қилсин уларни. Салла ўрнига бошни ҳам қўшиб олиб келишни одат қилган айрим ҳуқуқшуносларнинг ҳали-ҳануз эмин-эркин юрганларига нима дейсиз? Баъзан ўйланиб қоламан. Қай бир инсон бегуноҳ кишиларнинг тақдирини бутунлай издан чиқариб юборса-ю, ҳаракатлари асоссиз топилгандан кейин ҳам уларнинг мушугини биров «пишт» демаса-я? Мана, шуниси алам қилади. Ҳайриятки, орамизда имони бут, ҳақиқатни ёзишдан ва юзга айтишдан чўчимайдиган данғалчи кишилар бор. Шулар бор экан, худо хоҳласа вақти-соати билан пахтага боғлиқ адолат тўлалигича буткул қарор топади.

Шу пайт Хушвақт ака бир нуқтага тикилганча жимиб қолди. Салдан кейин кутилмаганда столи тортмасидан «Тошкент ҳақиқати»ни олиб, ички саҳифасини очди:

— Бунга ўхшаш ўта дадиллик билан ёзилган мақолаларни ўқигач, ҳақиқатни ҳеч қачон инкор қилиб бўлмаслигига янаям астойдил ишониб кетаман. Мана, менга ўхшаш икки пахтакорнинг аянчли тақдирлари. Мақоладаги Тожихон Сайдиев билан Шоносир Сиддиқовларнинг ҳар иккалаларини ҳам жумҳурият ИИВнинг Тошкентдаги 1-қамоқхонасида учратган эдим. Иккалалари ҳам менга ўхшаб нима «айб» қилганликларини билолмай жонлари ҳалак бўлиб ўтиришарди. Қаранг, буткул оқланишибди, КПСС сафига ҳам тикланибдилар.

Рўзномани қўлимга олиб кўз югуртираман. Гап «Тошкент ҳақиқати»нинг 2 февраль шанба сонидаги таниқли журналист Эсон Қосимов қаламига мансуб «Зарба» номли мақола хусусида бормоқда эди. Хушвақт ака ана шундай ноҳақ жабрланганлардан биттаси. У бир қарашда ҳали ҳам ўша-ўша, ўзгармагандек. Бутун вужудидан илгаригидай ҳамон куч ёғилиб турибди. Бошида ҳам ғиж-ғиж фикр. Аммо диққат билан тикилсангиз, чеҳрасида ўтган машъум воқеалар асоратининг ҳали-ҳануз зоҳир эканлигини илғайсиз. Энди сочларига анча оқ оралаган. Пешонасида ҳам ёшига мос тушмаган чизиқлар. Унга қараб ўтириб, инсон боши тошдан қаттиқ деган ибора нақадар тўғри айтилганлигига имон келтирдим. Суҳбатлашиб бўлгач, хайрлашиб ўрнимдан турдим.

— Энг муҳими аста-секин, ҳаммаси ўрнига тушяпти. Шунга хурсандман, — таъкидлади суҳбатдошим мени йўлаккача кузатиб қўяр экан. — Фақат ўшанда ниҳоясига етмаган номзодлик диссертациясини ёқлаш қолди. Озгина фурсат керак экан. Насиб этса у ҳам, албатта бўлади. Ҳаракат қиляпман, яна район партия назорати кенгаши раиси Анвар Аҳмедовдан жуда миннатдор эканлигимни айтмоқчи эдим. У биз каби «пахта иши» билан ноҳақ партиядан ўчирилганларни яна КПСС сафига қайтаришга астойдил ҳаракат қиляпти.

Давлат хўжалигидан район марказига қатновчи автобус бекатда энди жойидан қўзғалай деб турган экан. Чиқиб орқа ўриндиқларнинг бирига ўтирдим. Автобус силкиниб, қайтадан таъмирланаётган катта йўлга тушди. Бир томони катта боғ, иккинчи томони кузда барпо этилган янги қулупнайзорга қараб, атрофни томоша қилиб борар эканман, ҳамон Хушвақт ака ҳақида ўйлардим. У билан танишганимизга ҳам ўн беш йилдан ошибди. Ўшандан буён ёш бир қаламкаш сифатида уни районимиздаги энг кўзга кўринган тажрибали мутахассислардан, деб биламан. Кўпчилик манфаати йўлида доимо елиб-югуриб юришларидан, ўз ҳаловатидан кечиб астойдил ишлашларидан яқиндан хабардорман...

Хушвақт ака Ширинов Калинин номли жамоа хўжалиги бошқарувининг собиқ раиси. Бу лавозимга сайлангунга қадар қўшни Бекобод районидаги «Далварзин» шўро хўжалигида меҳнат қилган. Кейин ўзи туғилиб ўсган — Пискентга келиб, дастлаб «Пискент» шўро хўжалигида, ноҳия қишлоқ хўжалик бошқармасида бош агроном, сўнг эса вилоят партия қўмитасининг қишлоқ хўжалик бўлимида етакчи мутахассис вазифаларида ишлаган эди. Раис бўлиб сайланиши ҳам қизиқ бўлганди...

Ҳарбий хизматни ўтаб қайтганимдан кейинги район «Меҳнат байроғи» рўзномасидаги биринчи иш куним Калинин номли жамоа хўжалигига хизмат сафарига боришдан бошланди. Рўзноманинг ўша кезлардаги муҳаррири, таниқли ёзувчи ва публицист, СССР Ёзувчилар уюшмаси аъзоси Мажид ака Самадов хўжаликда бўладиган ҳисобот-сайлов йиғилишида қатнашиб, бу ҳақда жиддийроқ мақола тайёрлаб келишимни буюрдилар. Нега жиддийроқ мақола кераклигини колхозга етиб борганимдан кейин англадим. Ўшанда 1982 йилнинг январь ойи, қаҳратон қиш чилласи эди. Хўжалик бошқаруви раиси билан меҳнаткашлар ўртасида анчадан буён кучли низо пайдо бўлган, одамлар нима сабабдандир ўта асабий эдилар. Муҳарриримиз мана шу келишмовчиликлар тафсилотини чуқурроқ ўрганишни, раис ва одамлар орасидаги муносабатга ҳолис баҳо беришни назарда тутган эканлар. Хўжалик аъзолари раисга ҳисобот маърузаси қилишга руҳсат бермадилар. Ижроқўм раисининг ўша кезлардаги биринчи муовини Д. Т. Қурбонов билан район деҳқонсаноат бошқармаси бошлиғи А. Аҳмедовлар ҳам сўнгра райондан чақирилган райкомнинг ўшандаги биринчи котиби У. Я. Баҳодиров ҳам халқни тинчлантира олмадилар. Талорда ғала-ғовур бошланиб кетди. Хўжаликнинг энг кўзга кўринган пахтакорлари, чорвадор-у, пиллакорлари сўз олишиб, раис четдан келганлиги учун (у Тошкент шаҳридан эди) маҳаллий шароитни мутлақо билмаслиги, деҳқонлар дардига умуман қулоқ солмаслиги, натижада колхоз иқтисодига катта зарар келтириб, одамларни моддий жиҳатдан қийнаб қўйганлигини дард билан, алам билан ҳикоя қилишарди. Дардномаларда жон бор эди, хўжаликнинг сўнгги йилларда иқтисодий жиҳатдан буткул ўтириб қолганлиги ҳам сир эмасди. Шунга қарамай йиғилишда қатнашаётган район раҳбарлари раисни қандай бўлмасин ўз ўрнида қолдиришга уринишарди. Барибир бўлмади. Одамлар баравар ўрниларидан туриб, зални бошларига кўтариб бақира бошладилар. Улар Пискентнинг қанчадан-қанча энг яхши кадрлари четда юришибди, ўшалардан бирини олиб келиб беринглар, деб талаб қилишарди. Ҳатто ўша «четда юрганлар»нинг исм-фамилияларини ҳам айтиб, тартибсиз ғала-ғовур кўтаришарди. Раисликка кўрсатилаётган номзодлар орасида Хушвақт ака ҳам бор эди. Мажлис раёсатида ўтириб залдаги одамлар қалбига тожик фарзанди Хушвақт аканинг районда ишлаб юрган кезлари қанчалик мустаҳкам ўрнашиб қолганлигини ҳис этдим. Чунки пахтачиликда кимёвий дориларни қўллаш авжга минган пайтларда Хушвақт аканинг бу нарсага қарши чиққанлигини, қаерда ишламасин, биринчи галда меҳнаткашлар дардига қулоқ солиш одати борлигини кўпчилик яхши биларди. Шу тариқа ҳисобот-сайлов йиғилиши тўс-тўполон билан роса бир ҳафтача чўзилди. Хуллас, йиғилишнинг еттинчи куни обкомда ишлаётган Хушвақт акани топиб келишди. У ҳеч нарсадан бехабар хизмат юзасидан қайсидир узоқ бир районда юрган экан. Ярим соатда хўжалик аъзоларининг кўнгиллари жойига тушди. Улар катта ишонч билдириб, юз фоиз овоз билан тажрибали мутахассис Ширинов хўжалик бошқарувининг раиси этиб сайладилар.

Хушвақт ака ишончни оқлади. Куйиб-пишиб, елиб-югуриб сидқидилдан астойдил меҳнат қилди. Хўжаликни ўша йилиёқ инқироз ботқоғидан олиб чиқди. Оёққа турғазди. Халқ билан кенгашиб ишлаганлиги туфайли хўжаликда ҳам, районда ҳам ҳурматига ҳурмат қўшилди. Юзлаб гектар янги ерларни ўзлаштирди. Тошлоқдан иборат, нокерак бўлиб ётган майдонларга четдан тупроқ ташиб келтириб, янги боғлар, экинзорлар барпо қилди. Хўжалик ҳудудидаги қатор қишлоқларни, социал, маиший ва маданий жиҳатдан ривожлантирди. Хонадонлар табиий газ ва ичимлик суви билан таъминланди.

Лекин минг афсуски, 1986 йилга келиб «пахта иши» ниқоби билан бошланган умумий қатағон у раҳбарлик қилаётган хўжаликни ҳам четлаб ўтмади. Ковла-ковла, асоссиз суриштиришлар бошланди. Ўша кунларда Хушвақт акани вилоятдаги районларнинг бирига партия котиблигига тавсия этишган, бунинг устига эрта-индин «озуқа экинларини парваришлаш технологияси» мавзуида номзодлик диссертациясини ёқлаш арафасида турарди. Вилоят партия назорати кенгашининг аъзоси, айни вақтда вилоят Шўросининг депутати ҳам эди. Ҳаммасини, ҳали бирор тайин айб қўймасдан туриб чиппакка чиқазишди. Далада, тупроқ кечиб юрган пайтида тўсатдан ҳибсга олишди. Тақдирини поймол этмоқчи бўлишди. Қолоқ бир колхозни бор-йўғи 100 минг сўмдан салгина ошадиган пул билан қабул қилиб олиб, тўрт йилда йилига 1 миллион сўмдан зиёд фойда берадиган бой хўжаликка айлантирган раисни қўшиб ёзишда айблашарди. Тутқунликнинг азобли кунлари бошланди. У қамоқда, уйида қолган турмуш ўртоғи Нодира опа беш нафар фарзанди билан эрининг ташвишида сарсон. Кўзи жиққа ёшга тўлиб ҳали у идорага чопади, ҳали бу. Дардини тинглайдиган, маҳзун аҳволига эътибор қиладиган бирор маҳкама йўқ. Ҳамма жойда бир хил жавоб. «Кўрамиз, текширамиз». Шундай дейишарди-ю, амалда раисни бадном этишга, қоралашга оид ҳужжатлар тўплашарди. Бригада бошлиқларини, хўжаликнинг бошқа мутахассисларини прокуратурага чорлаб, турли тазйиқ ва пўписалар билан кўрсатма беришни сўрашарди. Раис «пок, унда ҳеч қандай гуноҳ йўқ», дегувчилар кўп бўлди, дағдағалардан чўчиб, терговчилар йўриғига юрганлар ҳам учради. Айниқса, Хушвақт акани партия сафидан ўчириш масаласи хўжалик коммунистлари ўртасига ташланганда оёққа қалқиб кетганлар кўп бўлди. Деярли ҳамма фирқа аъзолари «аввал суд қилиб, айби бўлса бўйнига қўйишсин, кейин бу масалани кўриб чиқамиз», деб туриб олишди. Аммо район партия назорати кенгашининг собиқ раисаси Лейле Ҳасанова хўжалик коммунистларидан масалани ҳал этишни қаттиқ туриб талаб қилди. Ҳеч кимнинг эътирозига қулоқ солмади. Уни райком бюроси йиғилишида партиядан чиқаришди.

Тошкент вилоят судининг қўйилган айбни атрофлича ўрганмасдан 1986 йил 5 август куни чиқарган ҳукмига кўра Ширинов 4,5 йил муддатга ҳукм қилинди. Лекин ҳукм ҳали кучга кирмасдан туриб, юқори суд органлари томонидан асоссиз топилди ва бекор қилинди. Ўрнига шартли жазо тайинланди.

Орадан сал фурсат ўтмай Ўзбекистон ССР Олий судининг 1986 йил 15 сентябрдаги ажримига биноан тайинланган шартли жазо ҳам бекор қилиниб, Ширинов қамоқдан озодликка чиқарилди. Ҳақиқат секинлик билан бўлса-да, қарор топиб бораётган эди. Хушвақт ака шундай бўлишига астойдил ишонганди. Чунки, унинг «жиноий» иши ўша кезларда Ўзбекистон ССР Олий суди аъзоси бўлган, ҳозирда жумҳурият адлия вазири лавозимида ишлаётган Мирзабобур Маликов қўлига тушиб қолганди. Олий суднинг собиқ раиси ишни атрофлича ўрганиб, Хушвақт акани озодликка чиқарди. Пискент район халқ суди Ширинов-нинг судланганлигини бутунлай бекор қилди.

Ўтган йили Пискентда аҳоли сонининг ошганлиги ҳисобга олиниб, одамларнинг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабларини қондириш мақсадида боғдорчиликка ихтисослаштирилган янги, «Ўзбекистон» шўро хўжалиги ташкил этилди. Ишчилар Хушвақт акани бош агроном этиб сайладилар. Айни пайтда Ўзбекистон ССР халқ депутатлари ва маҳаллий Советларга сайлов ўтказиш чоғида у яна бир катта ишончга сазовор бўлди. Уни Пискент шаҳар Совети депутатлигига муносиб топишди.

Ўтган йили совхоз аҳли биринчи марта мустақил деҳқончилик қилди. Биринчи йилнинг ўзидаёқ хўжалик 1,5 миллион сўм соф даромадни қўлга киритди. Бу улкан ютуқда бош агроном Хушвақт акани-нинг ўзига хос салмоқли улуши бор, албатта.

Ўтган йили Ширинов учун чинакамига бахтли келди: у узлуксиз стаж билан яна партия сафига тикланди. Мен ўша йиғилишда қатнашган район партия назорати кенгаши аъзолари билан учрашиб суҳбатлашдим.

Абдулазиз МАҲМУДОВ — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, ишчи:

— Биз ўз вақтида Ширинова ўхшаган покиза ва ҳақгўй инсонларни ҳимоя қилолмаганимиз учун ҳижолатдамиз. Агар ўшанда ҳозиргидек дадил фикр билдирилганида эди, эҳтимол партиямизнинг обрўси бугунги кундагидек пасайиб кетмасди.

Бўрибой ҚЎШМАТОВ — ноҳия молия бўлими мудири, кенгаш аъзоси:

— Вақтни энг олий ҳакам дейишади. Ўтган давр Хушвақтни соф одам эканлигини исбот қилди. Унинг эндиги ишларига муваффақият тилайман. Орамизда Хушвақт акага ўхшаб ноҳақ жабрланганлар ҳали жуда кўп. Уларнинг тақдири ҳаммамизни қизиқтириши керак.

Иброҳим ТОШЕВ,
Тошкент вилоят Ленин комсомоли мукофоти совриндори.

31 МАРТ—ХОТИРА КУНИ

Бу гулшан ичра йўқтур
бақо гулиға сабот,
Ажаб саодат эрур қолса
яхшилиқ била от!

Алишер НАВОИЙ

КОМИЛ ИНСОН

Менга не ёру ошиқлик ҳавасдур,
Агар мен ОДАМ бўлсам,
ушбу басдур!
Алишер НАВОИЙ.

ҲАЗРАТ Навоийнинг бу ҳикматли сўзининг мазмуни чақар эканман, беихтиёр ўз-ўзимга саволлар бераман: «Одам бўлиш! Нима қилса одамзод ОДАМ бўлади? Бева-бечорага кўмаклашсами? Ёки бирор иншоот бунёд этсами? Ё китоб ёзсами?»

Узоқ ўйлаб қоламан. Яна Навоийдан нажот излайман. Тоғпандек бўламан:

Бу гулшан ичра йўқтур
бақо гулиға сабот,
Ажаб саодат эрур қолса
яхшилиқ била от!

Дарҳақиқат, инсон умри ўлчоғли. Аммо шу қисқа вақт давомида ўзидан кейин яхши хотира қолдира олмоқлик тириклар ичра тирик юрмоқ билан баробардир.

Вафотидан кейин ҳам халқ қалбида, тилида, ёдида қолганлар кўпдир: Кошғарий, ибн Сино, Навоий... Шайхзода, Қодирий...

Бу рўйхатни узоқ давом эттириш мумкин. Маскур рўйхатда номи қайд этилганлардан деб Ўзбекистонда хизмат кўрсатган Ўқитувчи, адабиётшунос олим Саъдулла Исматовни тилга оладилар.

— **Мен Саъдулла акадан таълим олганман,** — деб сўз бошлади **Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими, филология фанлари номзоди, машрабшунос олим Муҳсин Зокиров, —Тошкентнинг «Аълам-шаҳид» маҳалласидаги 3-муаллимлик билим юртида 1935—37 йилларда Саъдулла ака бизга тил ва адабиётдан дарс берганлар. Ўта содда, камтар бўлиш билан бирга жуда билимдон одам эдилар, худо раҳмат қилгур!**

Мен у киши билан бирга ишлаш шарафига ҳам муяссар бўлганман. Биз бирганликда 50-йилларда ўқитувчилар малакасини ошириш олийгоҳида тингловчиларга маъруза ўқиганмиз. У одам ҳақида соатлаб гапириш, гапирганда ҳам фақат ижобий фикр айтиш мумкин. Ўзбекистон ССР халқ шоири, Президентлик Кенгашининг аъзоси Шукрулло, Ўзбекистон ССР халқ артисти Қодир Тожиев ва яна ўнлаб фозил одамлар ҳам Саъдулла акадан таълим олганлар».

Муҳсин домланинг гапларидан кейин ўйга толиб қолдим:

Мен ва менга ўхшаш юз мингларга ёшларга ўрта мактабда «Алпомиш» достони, Тўрди (Фароғий), Гулханий ҳамда унинг «Зарбулмасал»лари ҳақида ўқитишган. Аммо негадир бу қимматли асарларни нашрга тайёрлаган хассос инсон Саъдулла Исматовнинг номини ўқитувчиларимиз тилга олишмаган. Бу — нима? Марҳумлар ёдига бефарқликми? Ахир марҳум касбдош ҳақида икки оғиз сўз айтиш шунчалар қийинми? Ёки ҳозирги муаллимлар билимининг саёзлигими? Яхшиямки, қўлланмада **нашриётдан** деган изоҳнома мавжуд. Бўлмаса ўқувчилар тарихий асарлар ҳам кирилл ёзувида, ҳозирги ўзбек тилида битилиб, китоб бўлиб қолган экан, деб ўйлардилар...

Ҳа, бизнинг асосий фожиамиз ҳам аждодлар, ўтганлар хотирасини кам ёд этишимиздадир.

Саъдулла Исматов 1908 йили Тошкентда туғилди. Ўз фаолиятини 1928-30 йилларда Бекободдаги мактабда муаллимлик ва ўқув ишлари бўйича мудирликдан бошлади. У оддий муаллимликдан доцентликкача бўлган йўлни босиб ўтди.

Унинг ҳалол ва самарали меҳнатлари учун ҳукуматимиз унга Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи, халқ маорифи аълочиси унвонларини берди. Ҳурмат Белгиси нишонига сазовор бўлди. Абдулла Қаҳҳор ҳаёти ва ижоди бўйича номзодлик илмий ишини ҳимоя қилди. Қатор дарслик ва рисолалар яратилишида иштирок этди.

Ўзбекистон ССР Президентлик Кенгаши аъзоси, халқ шоири Шукрулло ўз устози Саъдулла Исматов ҳақида шундай хотирлайди:

«Албатта, киши битта муаллимнинг қўлидан эмас, мактабдан то олий илмгоҳни битиргунча бир неча ўқитувчидан тарбия олади. Ўқитувчилар илм беришидан ташқари ўз феъл-атвори, ахлоқи билан ҳам, қаттоки, кийиниши билан ҳам бириндан фарқ қилади. Агар шу жиҳатдан Саъдулла акани эсласак, авваламбор у киши ниҳоятда интизомлилиги билан, талабалар билан муносабати сиполиги билан, ўз сўзи ва фикрида ҳамиша қатъийлиги билан талабаларнинг ҳурматини қозонган эди. Ҳар бир ўқитувчи учун бу энг зарур фазилатлардандир. Кишининг ҳақиқий инсон бўлиши учун фақатгина маълумот эмас, одамийлик ҳам зарур эканлигини ва бунинг учун ҳар бир хатти-ҳаракатда, ҳар битта сўзда ўзи намуна бўлишлигини Саъдулла ака ҳеч вақт назардан қочирмасди. Саъдулла аканинг энг яхши фазилатларидан яна бири ўқувчиларни ростгўйликка, ўз сўзига эга бўлишга ўргатган эдилар».

Дилмурод ЭГАМБЕРДИ ўғли

ДЕҲҚОНЛАР ДИЛДОШИ

Талабалик йилларида кўпроқ адабиётга қизиқар эдим. Ва шу туфайли рўзномаларнинг бу бўлимига мақолалар, хабарлар, тақризлар ёзиб олиб келиб турардим. Уларнинг баъзилари босилиб чиқарди. Дорилфунунни тугатгач, бахтимга мени ишга таклиф этишди. Лекин ўша кезларда адабиёт бўлимида жой йўқ эди. Сиз келаверинг, бир гап бўлар, деди бўлим мудири Назармат ака.

Менинг ҳайрон бўлиб турганимни Назармат аканинг ҳамхонаси, қишлоқ хўжалиги бўлимининг мудири Салимжон Маҳкамов эримдан кузатиб турган экан.

— Бизнинг бўлимга ўтиб ишлайверинг,— деди у.

Бу таклифга нима деб жавоб беришни билмай қолдим. Тўғри, Салимжон Маҳкамов ҳақида кўп эшитган, унинг қишлоқ хўжалиги мавзуида ёзган очерк, ҳикоя, мақолаларини биз, талабалар қизиқиб ўқиқ, ҳавас қиладик.

— Қандай бўларкин,— дедим мен иккиланиб.— Ахир бу соҳа менга бутунлай нотаниш-дек.

— Ҳеч қиси йўқ,— деди Салимжон ака.—Ўрганиб кетасиз.

Шундай қилиб, қишлоқ хўжалиги бўлимида ишлай бошладим. Устоз ҳақиқатан ҳам ёрдамини аямади. У киши менга хат билан ишлаш, тақрир этиш «сир»ларини, одамларга муомала қилиш йўлларини эринмай ўргатар эдилар. Мен аста-секин тушуна бошладим, институтда олган назарий билимлар бошқа-ю, ҳаёт билан учрашиш бутунлай бошқа-бошқа экан.

— Бу мукаддас дарғоҳ,— деб кўп таҳлилларди устоз. — Бу ерга келиб, хат юборибқ ҳеч ким ноумид бўлмаслиги керак. Аёнқса, бошловчи ёш қаламкашларга ғоятда ҳушёрлик, эҳтиёткорлик, тўғриғори меҳрибонлик билан муомала қилиш керак. Уларнинг хатхабарларини кечиктирмасдан, диққат билан ўқиб чиқиш, озгина «қлинадиган» жойи бўлса ишлаб тушириш лозим бўлади. Бошдан — оёқ таҳрир қиламан, бир қолипга соламан деб уриниш яхши одат эмас. Гапи-гапига қовушляпти-ми, бирор мазмо борми, озмоз эпжатга келтириб, сўнг кўчиришга бераверинг. Агарда бутунлай қайтадан ишлаб ўзингиздан қўшиб ёзиб чиқарсангиз, қайтага унинг зиёнига ишлаган бўласиз. Ёш мухбир менинг ёзганларимдан деярли қолмабди-ку, бундан чиқдики, қўлимдан ҳеч нарса келмас экан-да, деб ҳафсаласи пир бўлади.

«Летучка»ларда ёш қаламкашларнинг яхши, ўқимишли, мазмунли мақолалари чиқиб қолгудек бўлса, унинг муаллифини самимий табриклар ва меҳримча бундай қилсангиз, мана бу нарсага эътибор бермасангиз, кейинги мақолаларингиз янада ҳам яхшироқ чиқади деб маслаҳат берардилар. Сира эсимдан чиқмайди, рўзномага яқинда ишга келган қаламкашлардан бирининг очерки босилиб чиқди. «Летучка»да кимдир уни роса танқид қилди.

— Энди ука бунчалик эмасда,— деди шунда Салим ака сўз олиб.— Биламиз, сиз яхши ёзасиз. Лекин ҳар кимни ҳам ўз қаричимиз билан ўлчамаслигимиз керак.

— Ҳаммага ҳам талаб битта бўлиш керакда,— деб луқма ташлади у. Мақола босилиб чиққандан кейин газетхон билмайди-ку ёзган одам тажрибалими, бошловчими.

— Гапингизда жон бор,— деди Салимжон ака бу луқмага жавобан. Лекин бундай деб қарайдиган бўлсак, у ҳолда ёш бошловчи ёзувчиларнинг бадиий асарларини умуман чоп этмаслик керак-да. Бу менимча нотўғри. Уларни то ўзларини ўнглаб олгуларича оз-моз «кечириб» туриш, руҳлантириш зарур. Бошқаларни билмадиму, мен шундай деб ўйлайман.

Устоз моҳир журналист ва ташкилотчигина эмас, қамкасбларига ғамхўр, қўлидан келган ёрдамини аямайдиган инсон эди. Ўша пайтда газетага эндигина ишга келган Шароф Умурзоқов мамнунлик билан хотирлайди.

— Катта ўғлимни уйлантирмоқчи эдим, лекин санъатқорларга келганда қўлим калталик қилиб қолди. Шунда Салимжон ака жонимга оро кирди.

— Ҳайруллани гаплашиб берайми,— деди у.

— Жуда соз бўлардида, — дедим хурсанд бўлиб.

Ўша пайтда Ҳайрулла Лутфуллаевни тўйларга айтиш жуда расм бўлиб кетган эди. Келармикин?

Салимжон ака билан қидириб уйига бордик. Аёли ҳозир келиб қоладилар, деди. Кўчада пойлаб уч соат туриб қолдик. Ниҳоят у келди. Устоз билан саммимий ҳол-аҳвол сўрашди. Муддаони билгач, бажонидил бораман, хизмат қилиб бераман, деб ён дафтарига ёзиб қўйди.

Дарҳақиқат устознинг ҳар бир соҳада дўстлари, ёр-биродарлари кўп эди. Улар Салимжон акани ниҳоятда ҳурмат қилишарди.

ФОЙДАЛИ ЁЛҒОН

Газетамиз ташкил бўлганида унинг биринчи сонига навбатчилик қилган Усмон Жонгитов узоқ йиллар садоқат билан меҳнат қилиб, ўзбек журналистикасининг ривожига салмоқли улуш қўшганлардандир. У ажойиб журналист, лирик шоир сифатида таниладиган қолмай, ажабтовур ажтистлик қобилияти билан ҳам машҳур эди. Сеҳрли овози билан одамларни ром қилиб қўярди. Бунга кўп марта гувоҳ бўлганман: бир куни муҳаррирлиятнинг тошпиринги билан Пискент районидаги илғор хўжаликлардан бирида бўлиб, унинг тажрибаси ҳақида бир саҳифа материал тайёрладик. Лекин нимагадир бу материал «запас» папкасида узоқ вақт туриб қолди.

— Усмон ака,— дедим мен бир куни. Бу «ўн бешга» ҳам илинмайдиганга ўхшайди-ку. Айтмайсизми, макетга қўйиб юборишсин, уятли бўлиб қолмайлик тағин. Муҳаррирнинг ўзи айтгандику, «каттанинг топшириғи», деб.

— Яхши эсга солдинг ука,— деди Усмон ака ва икки қўлларини бир-бирига ишқалаб, у ёқдан бу ёққа юра бошлади.

— Йўлини топамиз, деди у ҳурсанд бўлгандек. Ҳозир бир иш қиламиз. Мен қандай иш қиларкинлар? деб тикилиб турардим.

— Қара-чи, Аъзам ака ўз жойида ўтирганмикин?

— Ўтирибдилар. Ҳозир кўриб келдим, дедим.

— Ундай бўлса эшикни ёп,— деди Усмон ака. Сўнг ўз жойига бориб ўтирди. Телефон трубкасига қўлб узатаётиб, бир нуқтага тикилганча, анча вақтгача жим бўлиб қолди. Кейин билсам у образга кираётган экан.

Трубкани қўлига олди.

— Алло, бу «Ҳақиқат» газетасими, — дедилар, — йўғон ва айни пайтда кибрли товуш билан.

— Ҳа, газетага телефон қилаяпсиз,— деган овоз эшитилди трубкадан.

— Салом, — дедилар яна-да салобатли овоз билан, — мен вилоят партия комитетидаман.

— Ассалому алайкум, — Аъзам аканинг овози менга ҳам шундай эшитилаётган эди. Назаримда у ўрнидан туриб кетгандек, жин қўлини кўксига кўйиб гапираётгандек эди,— яхшимисиз ака!

— Раҳмат,— деди Усмон ака, — тунов куни муҳаррирларингизга бир топшириқ берган эдим. Чиқиши чўзилиб кетди чамамда.

— Хабарим бор, хабарим бор, — деди Аъзам ака. Ҳозир ер... Тезлаштиринглар, — деди Усмон ака виқор билан ва трубкани қўйиб қўйди.

Мен қулшимнинг ҳам, қулмаслигимни ҳам билмай, ҳангуманг бўлиб қолдим. Бу ерда пилдираганча Аъзам Мирбобоев хонага кириб келдилар.

— Усмон, — дедилар ҳовлиқиб,— Анови саҳифа тайёрмиди? Қани юр, топиб бер запас папкасидан. Макет қиламиз. Жой очилиб қолди.

Шундай қилиб газетанинг эртанги сонида материал чиқиб кетди.

Муҳаррир коридордан ўтаётиб, хонамизга кирди. Саҳифа жуда яхши чиқибди, деди. Орқадан кириб келган Аъзам ака бу гапни эшитиб турган эди.

— Кеча сиз йўқ эдингиз, телефон қилишганди,— деди Аъзам ака муҳаррирга ўгирилиб, эзилик билан чиқаришга тўғри келди. Бўлимдагилар эсга солишмайди ҳам.

— Шундайми, — деди муҳаррир Аъзам акага жиддий тикилиб. Гапингизга қандай қилиб ишонса бўлади? Ахир Сиз айтаётган одам ҳозир бу ерда эмас, дам олишда-ку!

Аъзамака нима дейишни билмай, ноқулай аҳволга тушиб, дудуқланиб қолди.

— Ҳойнаҳой, бу сенинг ишингдир Усмон, — деди муҳаррир Усмон акага.

Жонгитов зўрға ўзини тутиб олган эди ва, қулиб юборди.

— Майли, боплабсан, — деди муҳаррир. Лекин иккинчи бор бундай иш қилмагин.

«БЎЛИМДА БИР ЎЗИММАН»

60-йилларда газетанинг қишлоқ хўжалиги бўлимида катта адабий ходим бўлиб ишлаган Акмал Бобожоновни эслаганимда кўз ўнгимда боқишлари тийрак, доимо жонсарак, қалби дарё, ҳамкасблари, айниқса, ёшлардан ёрдамини дариғ тутмайдиган, ҳаётдаги қийинчиликларни сабр-тоқат, матонат билан енгишга одатланган, улкан тажрибага эга бўлган отахон журналист кўз ўнгимда гавдаланади. Акмал ака қишлоқ хўжалиги, чорвачилик илмининг билимдони эди. Кўпрок мутахассислар томонидан юборилган мақолаларни ишлашга ихтисослашган эдилар. Шунинг учунми, у киши бизку майли-я, ҳатто баъзан бўлим мудирининг ҳам тиши ўтмайдиган, илмий тилда битилган мақолаларни қўлларига олганларида ғоятда устаклик билан, деҳқончасига содда ва тушунарли қилиб таҳрир қилар эдилар. Ўша йилларда кўп мутахассислар мақолани русча ёзишни раст қилиб олганлари маълум. Бундай мақолаларни Акмал ака қийналмасдан қойилмақом қилиб таржима қиларди. Ҳўжаликларда бўлганларида ёки илмий ходимлар, мутахассислар, агрономлар билан учрашганларида улар билан бемалол мусоҳаба қилар, баъзан айрим саволлар бериб уларни мот қилиб қўйганларини кўрганман. Эсимда, бир куни қишлоқ хўжалиги олийгоҳидан бир олим мақола олиб келди. Акмал ака уни диққат билан ўқиди.

— Ука, — деди Акмал ака, — сиз олим одам экансиз, агар кложи бўлса мақолангизни, ўзингиз ўзбекчалаштириб беринг. Тағин бир у ер — бу ерини бузиб қўймайлик. Олим бу таклифни ўсламайгина қабул қилди ва индамай чиқиб кетди.

— Нега ундай қилдингиз. Ахир ўзингиз таржима қиларверардингиз-ку, — дедим мен.

— Атайлаб шундай қилдим,— деди Акмал ака қўлидаги попирос кулини кулдонга тўқиб, — хўш, мен сенга айтсам, у мақоланн қайси бир олимнинг китобидан шундайгина кўчириб келганн кўрнинб турибди. Уялмасин, изза бўлмасин деб бетига солмадим.

Мен ўшанда Акмал аканинг одоби, билимдонлигика қойил қолган эдим. Бошқа рўзномалар, ойномаларнинг жамоалари ҳам Бобожоновни ҳурмат қилишлари боиси шундан бўлса керак. Чунки улар кўпинча телефон қилишиб, қишлоқ хўжалигига оид у ёки бу терминларнинг маъносини, таржимасини сўрашар, Акмал ака ҳеч эринмай, оғринмай ёрдам берардик.

Айни пайтда Акмал ака ўз қадр-қимматнинг камситилишига ҳам бефарқ қарамасдилар. Ишга оид у ёки бу масала муҳокама қилинганда бор гапни рўй-рост айтишга одатланган эдилар.

Бир куни шундай воқеа рўй берди.

Гап шундаки, у маҳалда бўлимда рўйхатда беш киши ишлагани билан мухбирлардан келадиган хат — хабарлар билан шуғулланиш одатда бир-икки кишига қолиб кетарди. Шунинг учун улгуриб бўлмас, баъзанда хатлар йиғилиб қоларди. Бир куни муҳарриримиз бу масала билан қизиқиб қолди. Менинг хатлар турадиган папкамни текшириндик. 100 га яқин хатлар ишланмасдан йиғилиб қолганди. Муҳаррирнинг табиийки, жаҳли чиқди. Туққан кейин ҳаммамизни хоналарига таклиф этдилар. Нега аҳвол бундайлигини суриштирдилар. Мудиримиз «иккки-уч кунда ҳаммасини тўғрилаймиз, саратгини-сараккa, пучагини пучакка чиқарамиз», деб ваъда берди. Лекин бу гап муҳаррирни қониқтирмади.

— Ҳар бир хат орқасида жойли одам бор, — деди муҳаррир. Ортиқ бу аҳволда ишлаш мумкин эмас!

Муҳаррир сиз нима дейсиз, нега хатлар бу қадар тўпланиб қолди дегандек Акмал акага қаради.

— Хўш, — деди Акмал ака, — Тўғрисини айтаверайми?

— Ҳа-да, бу ерга нега йиғилдик бўлмаса.

Акмал ака аста ўрнидан турди. Одатига кўра ўёқ бу ёғини тўғрилади, дастрўмолини қўлига олди ва яна ўйлагига солди. Ўнг қўлини хиёл кўтарди. Бу қўлнинг бош бармоқдан ташқари тўртта панжаси тўмтоқлиги шундоққина билиниб турарди.

— Мен сизга айтсам, хўш,— деб салмоқланиб гап бошлади Акмал ака, — Салимжоннинг жаҳли тез, у кишига гапириб бўлмайди. Ўбу бир дегандек тўмтоқ бармоғидан биттасини ушлади. Усмоннинг яқинда қизи вафот этган. Ўрагига ҳеч марса сиғмайди. Иккинчи тўмтоқ бармоғини пиёпаслади. Босит Халилов кечагина командировкадан келди. Учинчи тўмтоқ бармоғига қўл текизди. Носир ишга янги келган. Тўртинчи тўмтоқ бармоғига ишора қилди, мана, кўриб турибсиз Знёд Исломович, бўлимда бир ўзимман, дедилар-да соғ бош бармоқларини кўрсатдилар.

Ҳамма кулиб юборди. Қаранг-а, тўртта йўқ бармоқ билан тўртта бор одамни «йўқ»ка чиқариб юбордилар.

— Кулишиб олдиларингми, — деди Знёд Исломович, — яхши отга бир қамчи деган гап бор, ўртоқлар. Ҳазил ўз йўлига-ю, лекин ишлаш, нонни ҳалоллаб ейишга ўрганиш керак. Иккинчи хатлар масаласи тўғрисида бунақанги гап бўлмасин.

Очиғи мен ўшанда, бир оз ранжигандим, шу ҳам адолатдан бўлдими, эртаю кеч хатлар билан тинмасдан ишласам-ку, гап эшитсам... Кейин билсам Акмал ака жуда тўғри иш қилган эканлар. Гап эгасини топди, қабилида сўз юритганликларини билиб олгандим.

Н. РИХСИЕВ.

ДУО БИЛАН ЁДГА ОЛАМАН

1990 йил 12 февраль... Бу сана бир умр ёдимда муҳрланиб қолди. Чунки шу куни мен меҳрибон дадажонимдан ажралиб қолдим. Ёвуз ўлим олдида шифокорлар ҳам ожиз эканлар, дадам касалхонада оғир дард туфайли вафот этди.

Дадам — Ортиқ Қобилжонов жуда хушфеъл ва кўнгли очиқ киши эдилар. Шу боисдан ҳам бўлса керакки, хонадонимиздан меҳмоннинг қадами узилмасди. Дадамни кўриш, суҳбатидан баҳраманд бўлиш учун ошна-оғайнилари, дўстлари ва қариндошуруғлар узлуксиз келиб туришарди.

Дадам учта фарзандни вояга етказиб, иккитасини уйли-жойли қилиб, 5 нафар невара кўриб, уларнинг қувончларига шерик бўлиб яшаётган эдилар. Мен ҳарбий хизматни ўтаб қайтганимда, ўзлари ош дамлаб, дўсту ёронларим, ўртоқларим билан бирга чақчақлашиб ўтирибд, «мана энди сени уйлантирамиз» деб эзгинят қилгандилар. Афсуслки, бу орзулари сароб бўлиб чиқди...

Дадам ўзларининг меҳнат фаолиятларини 1961 йилда «Ўқитувчи» нашриётида мусаҳҳиҳликдан бошлаган эдилар. Сўнгра «Ўқитувчилар газетаси»да таржимон, адабий ходим, бўлим мудири, масъул котиб сифатида хизмат қилганлар. 1989 йилдан эса «Совет мактаби» ойномасида илмий, муҳаррир бўлиб ишладилар.

У кишини ҳамкасблари меҳнатсеварлиги учун чин юракдан ҳурмат қилишар, инсоний фазилатларини ҳамиша тилдан тушуришмасди.

Дадам бу дунёга улкан орзулар билан келиб, армон билан кетдилар. У киши кўпинча:

Дўстлар, иноқликдан зўр
нарса йўқдур.
Тез-тез дийдор кўриб
ўзни қилинг шод.
Ширин-шакар суҳбат
қурганингизда
Мен бечорани ҳам эсланг
этиб ёд,—

деган шеърий сатрларни тез-тез такрорлаб турардилар.

Мен бугун дадамнинг қўллари теккан қаламда фарзандлик меҳри, дил соғинчи билан ушбу сатрларни қоғозга тушириб эканман, у кишининг хотирасини дуо билан ёдга оламан; отажон, сиз бош қўйган ернинг тупроғи енгил бўлсин, қабрингиз нурга тўлсин, бу дунёда кўрган азобларингизни у дунёда кўрманг!..

Юсуф ОРТИҚ ўғли.

ТАЯНЧИМ ДЕГАНДИМ...

Таянчим дегандим сизни бир умр,
Дур-ганжим дегандим сизни бир умр.
Осмондай, заминдай, бобоқўёшдай
Қувончим дегандим сизни бир умр.

Деганинг ҳисобмас экан дунёда,
Умр беҳисобмас экан дунёда.
Ниҳол дарахт бўлиб, чиғир қуларкан,
Тақдир Кўҳи Қофмас экан дунёда.

Тангридан тилаб олгансиз бир вақт,
Энди мева берар сиз эккан дарахт.
Азиз чехрангизни қўмсарман бот-бот,
Эвоҳ, бугун йўқликкка боқарман карахт.

Сиз мени ҳаётда тутдингиз хушҳол,
Тартиб-итоатда тутдингиз хушҳол.
Сўнгги онингиз ҳам силаб бошимни
Саиджон деб ёдда тутдингиз хушҳол.

Қайдасиз, бугун, эй, падар бузруквор?
Бу ғариб юрагим сизга интизор.
Ота деб ўғил-қиз йўқлашса мени,
Сизни эслайман-у қўмсайман такрор.

Дунёни қолдириб кетдингиз менга,
Жуда кўп мурувват этдингиз менга.
Онасиз бир гўдак ҳолдан ўстириб,
Армонни меросқилиб кетдингиз менга.

Айтинг, отажоним, қандай унутай,
Сизнинг ёдингизсиз мен қайга кетай?
Тангрим афу этсин мени, илойим,
Сизсиз бу оламни мен ахир нетай?

«Во дариғ, дунёнинг экан бири кам, —
Инсонга шерикдир шодлик ила ғам».
Бу — сўзлар сизники, азиз отажон,
Мен билан биргасиз ҳаминша, ҳар дам.

Саиджон МУСТАФОЕВ,
Оққўрғон райони.

БАРҲАЁТ СИЙМОЛАР

1989 ЙИЛ, СЕНТЯБРЬ. Ҳамза районидаги «Учтепаская» кўчасига Абдулҳамид ЧЎЛПОН номи берилди.

* * *

1989 ЙИЛ, НОЯБРЬ. Октябрь ва Киров - районлари ҳудудидаги «Ўзбекистон ССР ва ЎзКомпартияси 50 йиллиги проспекти» Абдулла ҚОДИРИЙ кўчаси деб номланди.

* * *

1990 ЙИЛ, МАЙ. Ленин районидаги «Новий путь» кўчаси «Абдурауф ФИТРАТ» номи билан юритилди.

* * *

1990 ЙИЛ, ДЕКАБРЬ. Юнусобод йўналишида қурилаётган ва Абдулла Қодирий ҳамда Энгельс кўчалари кесишувида барпо бўладиган метронинг лойиҳаларидаги «Олой бозори бекати» Абдулла ҚОДИРИЙ бекати деб қайта лойиҳаланди.

* * *

1991 ЙИЛ, ФЕВРАЛЬ. Фрунзе районидаги Ш. Руставели кўчасининг Бобур кўчаси кесишуви (Фрунзе савдо маркази)дан «Самарқанд» автоқўналгасигача бўлган асосий қисмига Усмон Носир номи берилиб, Усмон НОСИР кўчаси деб юритилди.

Бир ўқ пора этди Чўлпон кўксини
Қодирий юрагни тилди ўша ўқ.
Қабиҳ диллар тутгач ўқнинг изини
Усмон Фитратни ҳам аягани йўқ.

Тарих — ҳакам ўзи, сўйлайди бу кун:
Ҳақ сира снимаган, гоҳо эгилган.
Қабиҳга — битта ўқ, эзгулик учун
Мангу ҳаёт ва кенг кўкрак берилган!

Дилмурод САИДОВ.

МАРҲУМЛАР ЁДИ ЭЪЗОЗДА

Инсонга хос бўлган энг яхши фазилатлардан бири бу дунёдан кўз юмган аждодларини эслаш ва улар қабрини зиёрат қилишдир. Янгийўл район халқ депутатлари Ниёзбоши қишлоқ Кенгаши раисининг ўринбосари Тошпўлат Хидиров билан хотира куни арафасида қисқагина суҳбатлашдик.

— Янгийўл районидаги кўҳна қабристонлардан бири «Имом Султон» 400 йилдан кўпроқ тарихга эга, — деди у. — Марҳумларнинг руҳи шод бўлиши учун қишлоғимиздаги етти маҳалла аҳолиси кучи билан мозорларда мунтазам ҳашарлар ўтказдик. Гуллар, қўчатлар эндик. Ёдгорлик тошлари, ариқлар тозаланди. Қабрлар атрофидаги панжаралар, ёўлкалардаги электр фонуслар таъмирланди. Ёғингарчилик пайтида аҳолимиз анча қийналар эди. Одамларимиз ўзаро пул тўплаб, бу йил «Имом Султон» қабристонида катта бостирма қуришди.

Қабристонга халқимиз, Ватанимиз учун кўп меҳнати синган, Улуғ Ватан урушида немис фашистлари билан мардларча жанг қилган марҳумлар қўйилган. Самимизда бўлмасалар ҳам бизга берган насиҳатлари, қилган яхшиликларини унутмаймиз. Мозорга келган одам, у ёшу қари бўлмасин, ўлганларни хотирлаган вақтда қилаётган ишлари тўғри ё нотўғри эканлигини англаб олади.

— Агар тушкунликка тушсанг ёки ўзлигингни унутсанг қабристонга бор, — деб халқимиз бежиз айтмаган. Она замин бағрида не-не алломалару азиз инсонлар ётибдилар. Уларни эслаш, хотирлаш биз тирикларнинг бурчидир.

Д. АҲМАД.

СУРАТЛАРДА: «Имом Султон» қабристонида.

МУАЛЛИФ суратлари.

Марҳумларни фақат яхши фазилатлари билан эсланг

(«ҲАДИС»дан).

ОЙНАИ ЖАҲОНДА

КЎРИНГ, ТОМОША ҚИЛИНГ

Душанба *

1 АПРЕЛЬ

● ЎзТВ I

9.00 «Қарға саргузаштлари», «Саҳро тимсоҳи». Телефильмлар.
9.25 Такрорий фильмлар экрани. «Маҳаллада дув-дув гап». Бадиий фильм («Ўзбекфильм»).

* * *

18.30 Янгиликлар.
18.35 «Сеҳрли сандиқча», «Хазина». Мультфильмлар.
18.55 Болалар учун концерт.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 «Элга хизмат: талаб ва таклиф».
20.20 Тижорат хабарлари.
20.30 Москва. «Время».
21.15 «Наврўз ҳангомалари». Мусиқий кўрсатув.
22.00 «Ахборот».
22.20 «Мерос». Жумҳурият мақом ижрочиларининг III кўриги.
23.30 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

18.00 «Ассалому алайкум» (такрор.).
19.00 «Спринт» (рус тилида).
19.15 «Олқишлар».

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:

20.30 Москва «Время».
21.15 «Ханда, ханда, ханда». Жумҳуриятда хизмат кўрсатган артистлар Устоқадам Машрапов ва Мастибек Паллаев хотирасига бағишланган жумҳурият танлови.

● МТ I

6.00 «Тонг».
8.30 «Мулоқот». Иқтисодий шарҳ.
8.50 «Теманинг болалиги». Телевизион бадиий фильм. 1 ва 2-сериялар (М. Горький номли киностудия, 1990 й.).
11.30 «ТСН».
11.45 Футбол шарҳи.

* * *

14.30 «ТСН».
14.45 «Айиқ териси сотилади». Телевизион бадиий фильм (А. Довженко номли киностудия, 1980 й.).
15.50 «Қизиқувчилар олами».
16.05 «Мусиқий хазина».
16.45 Болалар соати (француз тили дарси билан).
17.45 «Мулоқот». Иқтисодий шарҳ.
18.00 «ТСН».
18.15 «Бозор сари боряпмиз». «Маданиятга ким хайр қилади?». Кўрсатувни сиёсий шарҳловчи В. Бекетов олиб боради.
19.00 «Променад-концерт таништиради...».
19.25 «Сурбет». Тўрт серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 1-серия («Беларусьфильм», 1990 й.).
20.30 «Время».
21.15 Футбол шарҳи.
21.45 «Аншлаг. Аншлаг».
23.30 «Меридиан». Халқаро янгиликлар.
23.50 «Қўшиқ билан қайтиб келаман». А. Днепров куйлайди.

Тунги телевидение

00.20 «Хайқириқ». Телевизион бадиий фильм («Қозоқфильм», 1986 й.).
01.35 «Мишель Легран Москвада».

● МТ II

7.00 «Ишбилармон кишининг тонги».
8.00 Эрталабки бадантарбия машқлари.

Ўқув программаси

8.15 «Икки цивилизация учрашуви». Илмий-оммабоп фильм. 1-фильм.
8.35, 9.35 Тарих. 9-синф. XIX асрнинг биринчи ярмида Россия маданияти.
9.55 Итальян тили.
10.05 «Тақдир». Ҳужжатли фильм.
10.35, 11.35 Тарих. 6-синф. Спартак қўзғолони.
11.05 «Здоровье».

*

12.05 «Иссиқ тупроқда». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси (Свердловск телевидениеси).
12.15 Т. Николаева чалади (фортепьяно).
12.55 «Ҳис-туйғула омон қол». Ҳужжатли фильм премьераси («Молдова-фильм»).
13.15 «Планета». Халқаро программа.
14.15 РСФСР халқ депутатларининг навбатдан ташқари съездида.
14.25 Москва фольклор жамоаларининг концерти.
14.55 «Тиғ устида...».

* * *

16.15 РСФСР халқ депутатларининг навбатдан ташқари съездида.
16.25 «Винни Пух». Мультфильм.
16.35 РСФСР шаҳарлари телестудиялари. «Компроматсиз» (Томск).
17.15 Спорт гимнастикаси. «Барча юлдузлар» Москва халқаро турнири.
18.00 «Телевизион мусиқий абонемент».
19.15 Хайрли тун, кичкинтойлар!
19.30 «Агар сиз...».
20.15 РСФСР халқ депутатларининг навбатдан ташқари съездида.
20.30 «Время» (сурдо таржимаси билан).
21.15 «Тапион хоним». Телевизион бадиий фильм («Ленфильм», 1982 й.).

Сешанба *

2 АПРЕЛЬ

● ЎзТВ I

9.00 «Ҳайвонот оламида». Кинопрограмма.
10.00 «Тегирмон қулаганидан сўнг». Бадиий фильм («Тожикфильм»).
11.15 «Театрдан икки қадам нарида». Телефильм.

* * *

18.30 Янгиликлар.
18.35 «Тишлоғич хўтикча». Мультфильм.
18.40 «Дарсдан ташқари машғулот». Телефильм.
19.10 «Дўрмонда Наврўз». Адабий кўрсатув.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 «Султонпошша Ўдаева куйлайди». Фильм-концерт.
20.30 Москва. «Время».
21.15 Дутор ва танбур тароналари.
21.55 «Спортлото».
22.00 «Ахборот».
22.20 «Амир Темур» фильми суратга олинмоқда». Кинокўрсатув.
23.20 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

18.00 «Тошкент» студияси кўрсатади. «Учрашув».
19.00 «Лаҳза». Хабарлар.
19.10 «Учрашув» кўрсатувининг давоми.

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:

20.30 Москва «Время».
21.15 А. Чхеидзе. «Қабул 3 дан 6 гача». Телеспектакль.

● МТ I

6.00 «Тонг».
8.30 Долзарб репортаж.
8.50 «Сурбет». Тўрт серияли телевизион бадиий фильм. 1-серия.
9.55 «Қўрққанга қўш кўринар». Мультфильм.
10.05 «Анре де Сен-симон». Ҳужжатли фильм.
10.30 Болалар соати (француз тили дарси билан).
11.30 «ТСН».
11.45 «Променад-концерт таништиради...».

* * *

14.30 «ТСН».
14.45 «Якшанба, олти яримда». Тўрт серияли телевизион бадиий фильм. 1-серия («Экран», 1988 й.).
16.00 «Қизиқувчилар олами».
16.15 «Персей». Мультфильм.
16.35 «Поезд «Россия» деб аталади». Телевизион ҳужжатли фильм. 1-фильм.
17.15 «Созандалар мусиқа ҳақида».
18.00 «ТСН».
18.15 «Сиёсий мулоқотлар. «Рўйхатларда йўқ».
18.45 Ишчан чопар.
19.00 «1991— Моцарт йили».
19.25 «Сурбет». Тўрт серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 2-серия.
20.30 «Время».
21.15 «ВИД» таништиради: «Мўъжизалар майдони».
22.00 «Сўз». Адабий-бадиий программа.
23.30 «Меридиан». Халқаро янгиликлар.

Тунги телевидение

23.45 «Асаф Мессерер». Телевизион мусиқий фильм («Экран», 1980 й.).
00.45 «Синдикат-2». Олти серияли телевизион бадиий фильм. 1-серия («Экран», 1980 й.).

● МТ II

8.00 Эрталабки бадантарбия машқлари.

Ўқув программаси

8.15 «Икки цивилизация учрашуви». Илмий-оммабоп фильм. 2-фильм.
8.35, 9.35 Жўғрофия. 8-синф. Узоқ Шарқ табиати.
9.05 Француз тили. 1-йил шуғулланаётганлар учун.
10.05 Француз тили. 2-йил шуғулланаётганлар учун.
10.35, 11.40 Биология. 6-синф. Уруғидан ҳосилигача.
10.55 Билимдонлар учун машқ.

*

12.00 Тембрли баянчилар ансамбли чалади.
12.15 «Телевизион мусиқий абонемент».
13.30 «Шоирлар мушоираси».
14.00 «Қувноқ отўйин». 4-сон. Мультфильмлар.
14.15 РСФСР халқ депутатларининг навбатдан ташқари съездида.
14.25 Ритмик гимнастика.

* * *

16.15 РСФСР халқ депутатларининг навбатдан ташқари съездида.
16.25 «Тонг юлдузи» (2 мартдаги кўрсатув такрорланади).
17.40 «Винни Пух меҳмонга боради». Мультфильм.
17.50 «Томошабинлар меҳри совғини» кинофестивали. «Деҳқонлар уяси». Ҳужжатли фильм премьераси («Таллиннфильм»).
19.00 «Горница» ансамбли ижро этади.
19.15 Ритмик гимнастика.
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 Коллаж.
20.05 Телевизион ҳужжатли фильм.
20.15 РСФСР халқ депутатларининг навбатдан ташқари съездида.
20.30 «Время» (сурдо таржимаси билан).

*

21.15 «Қиш охирлаб қолганда». Телевизион бадиий фильм.
22.30 «Оддий мўъжиза». Цирк программаси.

Чоршанба *

3 АПРЕЛЬ

● ЎзТВ I

9.00 «Дарахт ва унинг илдизлари». Фильм-концерт.
9.30 «Сулола». Телефильм.
10.00 «Олтин маъбуда». Бадиий фильм (Свердловск киностудияси).

* * *

18.30 Янгиликлар.
18.35 Болалар учун. «Қувноқлар даврасида».
19.00 «Чорвадор».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 «Хотира». Шоир Юсуф Шомансур.
20.30 Москва. «Время».
21.15 Тижорат хабарлари.
21.20 Юнус Ражабий номидаги мақом дастасининг концерти.
22.00 «Ахборот».
22.20 «Санъат усталари». Ўзбекистон халқ артисти Раҳим Исахўжаев.
23.20 «Плюшчихадаги уч терак». Бадиий фильм (М. Горький номли киностудия).
00.40 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

18.00 «Тоғлар». Телефильм.
18.20 «Билим сарчашмаси» (рус тилида).
19.00 «Пульс». Хабарлар.
19.10 «Яшин тутган суворий». Бадиий фильм (М. Горький номли киностудия).

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:

20.30 Москва «Время».
21.15 «Калхатлар ўлжаси билан бўлишмайди». Бадиий фильм. 1-серия.

● МТ I

6.00 «Тонг».
8.30 Ишчан чопар.
8.50 «Сурбет». Тўрт серияли телевизион бадиий фильм. 2-серия.
9.55 «Сўз». Адабий-бадиий программа.
11.30 «ТСН».
11.45 «Созандалар мусиқа ҳақида».

* * *

14.30 «ТСН».
14.45 «Якшанба, олти яримда». Тўрт серияли телевизион бадиий фильм. 2-серия.
16.00 «Поезд «Россия» деб аталади». Телевизион ҳужжатли фильм. 2-фильм.
16.50 Болалар соати (инглиз тили дарси билан).
17.50 Кичик концерт.
18.00 «ТСН».
18.15 «Тушимда ва ўнгимда». Концерт.
18.30 «Позиция». Уолтер Кронкайт жумбоғи.
19.20 «Сурбет». Тўрт серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 3-серия.
20.30 «Время».
21.15 «Инсон ва қонун». Ҳуқуқий видеоканал.
22.30 «Опера театри олами».

Тунги телевидение

23.30 Иосиф Кобзон куйлайди.
00.10 «Синдикат-2». Олти серияли телевизион бадиий фильм. 2-серия.

● МТ II

*

8.00 Эрталабки бадантарбия машқлари.

Ўқув программаси

8.15 «Икки цивилизация учрашуви». Илмий-оммабоп фильм. 3-фильм.
8.35, 9.35 Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари. ЭҲМ ўқишда ёрдам беради.
9.05 Немис тили. 1-йил шуғулланаётганлар учун.
10.05 Немис тили. 2-йил шуғулланаётганлар учун.
10.35, 11.35 Мусиқа. 5-синф. М. П. Мусоргский. «Кўргазмадан манзаралар».
11.05 «Онам, дадам ва мен».

*

12.05 «Шу куннинг воқеалари». Киножурнал.
12.15 Б. Николаев куйлайди.
12.50 РСФСР шаҳарлари телестудиялари. «Компроматсиз» (Томск).
13.25 «Ҳали нуқта қўйишга эрта...». Ленинградлик И. Бондаренко ва унинг ноёб каҳрабо коллекциясининг тақдири ҳақида телевизион ҳужжатли фильм.
14.15 РСФСР халқ депутатларининг навбатдан ташқари съездида.
14.25 Мультфильмлар: «Узоқ орол сири», «Қувноқ жўжа».

* * *

16.15 РСФСР халқ депутатларининг навбатдан ташқари съездида.
16.25 «Шойи мўйқалам». Мультфильм.
16.50 «Концертдан сўнг интервью». В. Анисимов куйлайди.
17.40 Т. Хренников. Виолончель ва фортепьяно учун соната.
17.55 Педагогика ҳамма учун.
18.55 «Мангуликка айланган лаҳзалар». «Ер — она масканимиз» телетанловининг якунларига доир.
19.25 Коллаж.
19.30 Хайрли тун, кичкинтойлар!
19.45 Россиянинг парламент хабарномаси.
20.00 «Ишсизга ким ёрдам беради».
20.15 РСФСР халқ депутатларининг навбатдан ташқари съездида.
20.30 «Время» (сурдо таржимаси билан).

*

21.15 «Рақс ўқитувчиси». Бадиий фильм. 1 ва 2-сериялар («Мосфильм»).

Пайшанба *

4 АПРЕЛЬ

● ЎзТВ I

9.00 «Писмиқ». Болалар учун фильм.
9.40 «Карнай садолари». Фильм-концерт.
10.10 «Ҳамма палубага». Бадиий фильм (М. Горький номли киностудия).

* * *

18.30 Янгиликлар.
18.35 «Таълим ва маданий мерос».
19.10 «Халқаро ҳаёт».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 Ўзбекистон ССР Ички ишлар вазирлиги матбуот маркази хабар қилади.
19.55 «Алифбо сабоқлари». II босқич.
20.30 Москва. «Время».
21.15 «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, бастакор Матниёз Юсупов». Мусиқий кўрсатув.
22.00 «Ахборот».
22.20 «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, бастакор Матниёз Юсупов». Мусиқий кўрсатув (давоми).
22.50 «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи».
23.50 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

18.00 «Тошкент» студияси кўрсатади. «Бу оқшомда» (рус тилида).

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:

20.30 Москва. «Время».
21.15 «Саётхон Наврўз». Адабий-мусиқий кўрсатув.
22.15 «Калхатлар ўлжаси билан бўлишмайди». Бадиий фильм. 2-серия.

● МТ I

6.00 «Тонг».
8.30 Ички ишлар вазирлигининг маълумотларига кўра...
8.50 «Сурбет». Тўрт серияли телевизион бадиий фильм. 3-серия.
10.00 «Санъат хомийсини кутиб». Ҳужжатли фильм.
10.30 Болалар соати (инглиз тили дарси билан).
11.30 «ТСН».
11.45 «Бугунги Туркия». Кинопрограмма.

* * *

14.30 «ТСН».
14.45 «Якшанба, олти яримда».

КЎРИНГ, ТОМОША ҚИЛИНГ

ОЙНАИ ЖАҲОНДА

Тўрт серияли телевизион бадиий фильм. 3-серия.
15.55 Сенегал миллий рақс ансамбли ижро этади.
16.25 «Ефросиния Полоцкая». Илмий-оммабоп фильм премьераси.
16.50 Болалар учун фильм. «Офтобдек ёруғ шам» (Рига киностудияси, 1986 й.).
17.55 «ТСН».
18.10 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
18.50 «Нодипломатик суҳбатлар». Кўрсатувни сиёсий шарҳловчи В. Зорин олиб боради.
19.20 «Сурбет». Тўрт серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 4-серия.
20.30 «Время».
21.15 Ички ишлар вазирлигининг маълумотларига кўра...
21.30 «КДС»да дўстлар учрашуви. Эстрада программаси. Кўрсатувни шоир И. Резник олиб боради.
23.00 «Пи» белгиси билан. Танаффус пайтида (24.00) — «Меридиан». Халқаро янгиликлар.

Тунги телевидение

00.40 «Синдикат-2». Олти серияли телевизион бадиий фильм. 3-серия.

● МТ II

8.00 Эрталабки бадантарбия машқлари.

Ўқув программаси

8.15 «Устюрт платосининг сири». Илмий-оммабоп фильм.
8.35, 9.35 Умумий биология. 11-синф. Ўсимликларни ҳимоя қилишнинг биологик усуллари.
9.05 Испан тили. 1-йил шуғулланаётганлар учун.
10.05 Испан тили. 2-йил шуғулланаётганлар учун.
10.35, 11.40 Биология. 8-синф. Қишлоқ хўжалик ҳайвонлари.
11.00 «Адам Смит бойлиги дунёси».

*

12.05 «Карелия. Фантазия-экспромт». Ҳужжатли фильм.
12.15 Е. Шварц. «Золушка». Е. Вахтангов номли Давлат академик театрининг фильм-спектакли.
13.55 «Сахий ўрмон». Мульт фильм.
14.15 РСФСР халқ депутатларининг навбатдан ташқари съездида.
14.25 Ритмик гимнастика.
14.55 «Мардлик қўрғонлари».

* * *

16.15 РСФСР халқ депутатларининг навбатдан ташқари съездида.
16.25 «Циркни ҳамма севади». Свердловскдан кўрсатилади.
17.05 Йил фасллари. Апрель.
17.50 РСФСР шаҳарлари телестудиялари. «Оёққа туриш» (Пятигорск).
18.10 Ритмик гимнастика.
18.45 Л. Рюмина куйлайди.
19.30 Хайрли тун, кичкинтойлар!
19.45 «Менеджер Шкяр ва бошқалар...».
20.15 РСФСР халқ депутатларининг навбатдан ташқари съездида.
20.30 «Время» (сурдо таржимаси билан).

*

21.15 «Кўл ёқасида». Бадиий фильм 1 ва 2-сериялар (М. Горький номли киностудия).

Жума *

5 АПРЕЛЬ

● ЎзТВ I

9.00 «Иванушка бўлган экан». Телефильм.
9.20 «Одам-амфибия». Бадиий фильм («Ленфильм»).
10.55 «Араб тили» (такрор.).

* * *

18.00 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Пахтакор» — «Торпедо» (Москва). «Пахтакор» Марказий стадионидан олиб кўрсатилади. Танаффус вақтида —«Ахборот» (рус тилида).
19.50 Сайдулло Маҳкамов ва Зебо Турсуновалар концерти.
20.30 Москва. «Время».
21.15 «Маърифатнома».
22.00 «Ахборот».
22.20 «Йиллар, фильмлар, муаммолар». СССР халқ артисти, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, кинорежиссёр Малик Қаюмов билан учрашув.
23.20 «Тошкент» студияси кўрсатади. «Шаҳризоданинг саволлари».
00.20 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

18.00 «Кадрда ва кадр ортида». Кинокўрсатув (рус тилида).
19.00 «Пульс». Хабарлар.
19.10 «Цирк! Цирк! Цирк!».
19.50 Тижорат хабарлари (рус тилида).
20.00 «Бизнес—курьер».

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:

20.30 Москва «Время».
21.15 «Таронахои Шарқ».
22.15 «Тузоқ». Бадиий фильм.

● МТ I

6.00 «Тонг».
8.30 «Қаердасиз, дўстларим?» Мультфильм.
8.40 «Сурбет». Тўрт серияли телевизион бадиий фильм. 4-серия.
9.45 «Прут меридиани». Телевизион ҳужжатли фильм.
10.15 «Инсон ва қонун». Ҳуқуқий видеоканал.
11.30 «ТСН».
11.45 «...16 ёшгача ва ундан катталар».

* * *

14.45 «Якшанба, олти яримда». Тўрт серияли телевизион бадиий фильм. 4-серия.
15.50 «Қизиқувчилар олами».
16.05 Б. Гайдуков ва С. Ларионовлардан иборат баянчилар дуэти чалади.
16.20 «Онам, дадам ва мен».
16.50 М. Хохлагорская куйлайди. Свердловскдан кўрсатилади.
17.20 «Пудя». Мультфильм.
17.30 Тараққиёт. Ахборот. Реклама.
18.00 «ТСН».
18.15 «Бир музей тарихи».
18.45 Оила экрани. «Дадамни қандай қилиб йўлга солса бўлади?». Бадиий фильм (ЧСФР, 1978 й.).
20.30 «Время».
21.15 «Кечир бизни ўгай она, Россия» телевизион бадиий фильми таништирилади («Беларусьфильм», 1990 й.).
21.45 «ВИД» программаси.
00.45 «Меридиан». Халқаро янгиликлар.

Тунги телевидение

01.00 «Синдикат-2». Олти серияли телевизион бадиий фильм. 4-серия.
02.05 Эстрада театри. В. Толкунова. «Аёл монологи».

● МТ II

8.00 Эрталабки бадантарбия машқлари.

Ўқув программаси

8.15, 9.25 «Тош лабиринтларнинг сири». Илмий-оммабоп фильм.
8.35, 9.45 Табиатшунослик. 4-синф. Наҳот бу ўзим бўлсам?
8.55 Инглиз тили. 1-йил шуғулланаётганлар учун.
10.05 Инглиз тили. 2-йил шуғулланаётганлар учун.
10.35, 11.35 Жўғрофия. 6-синф. Биосфера.
11.05 «Бугунги Буюк Британия». Инглиз тилида кўрсатув.

*

12.05 РСФСР шаҳарлари телестудиялари. «Оёққа туриш» (Пятигорск).
12.25 «Аргонавтлар». Мультфильм.
12.45 Арманистон Давлат телерадиоси камер хорининг концерти.
13.35 «Сарҳадсиз кенгликлар ва эркин шамол ҳақида қўшиқ».
14.15 РСФСР халқ депутатларининг навбатдан ташқари съездида.

* * *

16.15 РСФСР халқ депутатларининг навбатдан ташқари съездида.
16.25 «Прометей». Мультфильм.
16.45 «Аслингни унутма». Читадан кўрсатилади.
17.35 «Шарқий Сибирь». Киножурнал.
17.45 «Омск ривояти». Омск драма театри Ф. Достоевскийнинг «Хўрланганлар ва ҳақоратланганлар» романи асосида саҳналаштирган янги спектакли ҳақида.
19.10 Спорт ҳамма учун.
19.25 Хайрли тун, кичкинтойлар!
19.40 Россиянинг парламент хабарномаси.
19.55 «Қизил майдонда ҳам эҳром қад кўтаради». Ҳужжатли фильм премьераси.
20.15 РСФСР халқ депутатларининг навбатдан ташқари съездида.
20.25 Коллаж.
20.30 «Время» (сурдо таржимаси билан).

*

21.15 «Катта оила». Бадиий фильм («Ленфильм»).
22.55 «У ва... ўзи». Мусиқий телефильм.

*

23.15 Футбол. СССР чемпионати. МАСК— «Днепр». 2-тайм.

Шанба *

6 АПРЕЛЬ

● ЎзТВ I

8.00 «Ассалому алайкум».
9.00 «Ғаройиб ҳодиса». Бадиий фильм («Тожикфильм»).
10.10 «Экология». Телевизион альманах.
11.10 Халқ ижодиёти жумҳурият кўрик-танлови ғолибларининг концерти.
12.50 Жамоат ташкилотларида. Тижорат кўрсатувлари
13.20 «Илғор тажриба мактаби».
13.50 «Гулла, яшна «Хазорбоғ». Ҳужжатли фильм.

* * *

18.30 Ўсмирлар учун. «Тенгдошлар».
19.00 «Ўзбек тилини ўрганамиз».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 «Баҳор мушоиралари».
20.10 «Оқшом эртаклари».
20.30 Москва. «Время».
21.15 Алишер Навоий таваллудининг 550 йиллигига. «Навоий гулшани».
22.00 «Ҳафтанома».
23.00 «Навоий гулшани» кўрсатувининг давоми.
24.00 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:

8.00 «Савту калом». Адабий-мусиқий кўрсатув.
8.55 К. Мирзоев. «Тонг». Теленовелла.
9.35 «Тузоқ». Бадиий фильм.

* * *

16.50 Кўрсатувлар тартиби.
16.55 «Светофор». Болалар учун кўрсатув.
17.30 «Тақдир». Бобожон Ҳамидов.
18.00 «Боғ ва боғбон».
18.30 «Новости».
18.50 «Инсон ва қонун». Телеойнома.
19.30 «Ахбор».
19.50 «Жаҳоннамо». Бадиий-публицистик кўрсатув.
20.30 Москва «Время».
21.15 «Жаҳоннамо» (давоми).

● МТ I

Шанба, эрта саҳарлаб

6.00 Украина мусиқий фольклорининг концерти.
6.30 Мультфильм.
6.45 Спорт ҳамма учун.
7.00 Ритмик гимнастика.
7.30 Тонгги дам олиш программаси.
8.00 «Здоровье».

*

8.30 «ТСН».
8.45 Мультфильмлар: «Қиролнинг янги либоси», «Турропуто ҳокими».
9.15 «Владимир шудгор қилди, Ярослав уруғ сепди». Телефильм.
10.15 «Тонг юлдузи».
11.15 Болалар учун фильм. «Сийс — саргузаштлар ороли» (Италия—Испания). Премьера.
12.35 «Ер—она масканимиз» фототалонлари.
12.40 «Мусаввир устахонасида». С. Андиряка.
13.00 Кичик концерт.
13.10 Режиссёр А. Шахмалиева фильмлари. «Бола болада» («Ленфильм», 1978 й.).
14.30 «ТСН».
14.45 Янги авлод танлайди. «Имконият».
16.00 Мусиқий программа.
17.00 Мультфильмлар.
17.30 «Халқаро панорама».
18.15 «Кечир бизни ўгай она, Россия». Телевизион бадиий фильм премьераси. 1 ва 2-сериялар («Беларусьфильм», 1990 й.).
20.30 «Время».
21.15 «Янги номлар билан таништирамиз». Халқаро хайрия мусиқий кўрсатуви.
22.45 «Брэйн ринг».

Тунги телевидение

23.30 «Синдикат-2». Олти серияли телевизион бадиий фильм. 5-серия.
00.35 М. Глинка номли Ленинград Давлат хор капелласи ижро этади.

● МТ II

7.30 Эрталабки бадантарбия машқлари.
7.45 «Қўриқхона тепалиги». Телевизион бадиий фильм. 1 ва 2-сериялар («Ўзбекфильм»).
9.45 «Самотекдаги уйда». С. Образцов раҳбарлигидаги Марказий қўғирчоқ театри болгар драматурги Панчо Манчевнинг «Қуёнлар мактаби» пьесаси асосида саҳналаштирган фильм-спектакли.
10.45 «Телескоп».
12.00 «Ҳамдўстлик» видеоканали.
15.30 «Плюс ўн бир» видеоканали.
19.00 Хайрли тун, кичкинтойлар!
19.15 «Оила» телепрограммаси.
20.15 «Эски сандиқда». Мультфильм премьераси.
20.25 Коллаж.
20.30 «Время» (сурдо таржимаси билан).
21.15 «Киносерпантин». 1, 2 ва 3-қисмлар.
00.45 «Маданият».
01.15 «Пасха». Москва Богоявлен соборидан олиб кўрсатилади.

Якшанба *

7 АПРЕЛЬ

ЖАҲОН САЛОМАТЛИК КУНИ

● ЎзТВ I

8.00 «Ҳафтанома» (такрор.).

*

9.00 «Иван Васильевич касбини ўзгартиради». Бадиий фильм («Мосфильм»).
10.30 «Бу сирли олам».
11.05 «Алифбо сабоқлари». I босқич (такрор.).
11.40 «Шогирдлар даври». Ҳужжатли фильм.
11.55 «Наврўз тароналари». Мусиқий кўрсатув.
12.50 «Чорраҳа».
13.10 «Замин саховати».

* * *

18.30 Болалар учун. «Кичкинтой» кўрсатуви.
19.00 «Сихат-саломатлик». Жаҳон саломатлик кунига бағишланган кўрсатув.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 «Бозор иқтисодини кўзлаб». Телефильм.
20.00 «Оламга саёҳат».
20.30 Москва. «Время».
21.15 «Якшанба оқшомида». Мусиқий кўрсатув.
22.00 «Ахборот».
22.20 «Мен сени ҳеч қачон унутмайман». Бадиий фильм («Ленфильм»).
23.40 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:

8.00 «Сапеда». Мусиқий ахборот.
9.05 «Ҳар бир кишига ва борчага». Реклама.
9.10 «Яхши дегани нима?» Болалар учун кўрсатув.
9.40 Кинопрограмма.
10.40 «Келгинди». Бадиий фильм (рус тилида).

* * *

17.05 Кўрсатувлар тартиби.
17.10 «Келгинди». Бадиий фильм (рус тилида).
18.35 «Диёри меҳрпарвар». Телеочерк.
19.00 «Ҳафта».
19.30 «Гули сурх». «Наврўз — баҳор байрами».
20.30 Москва «Время».
21.15 «Ҳар дам ғанимат аст...». СССР халқ артисти Жўрабек Муродов иштирок этади.
22.30 «Телетомошабин ҳамроҳи».

● МТ I

7.30 «ТСН».
7.45 Ритмик гимнастика.
8.15 «Спортлото» тиражи.
8.30 «Эрта саҳарлаб».
9.30 «Ватан хизматида».
10.30 Тонгги дам олиш программаси.
11.00 «Саёҳатчилар клуби».
12.30 «Қишлоқ янгиликлари».
13.30 «Мусиқий киоска».
14.00 «Веди» программаси.
14.30 «ТСН».
14.45 Иосиф Кобзон куйлайди.
15.25 «Унутма...».
16.00 МТ I нинг якшанба-променад концерти.
17.40 «Уолт Дисней таништиради...».
18.30 Йил давомидаги энг яхши телевизион асарлар учун «Фортуна-90» совринининг топшириши. «Қонундан ташқари». Бадиий фильм (АҚШ).
20.30 «Время».
21.15 «5+». Концерт-лотерея.

Тунги телевидение

00.15 «Синдикат-2». Олти серияли телевизион бадиий фильм. 6-серия.

● МТ II

7.30 «Зарядкага сафланинг!»
7.45 Иттифоқдош жумҳуриятлар кинопублицистикаси. «Унинг қалби тирик». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси («Союзтелефильм»).
8.05 «Объектив».
8.35 Мария Биешу куйлайди. Кишинёвдан кўрсатилади.
9.15 Миллий баскетбол уюшмаси профессионаллари ўртасида баскетбол бўйича АҚШ чемпионати.
10.15 «Планета». Халқаро программа.
11.15 Муаллифлик телевидениеси.

●

13.15

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ «ДЎСТЛИК» ВИДЕОКАНАЛИ

●

16.45 Москвада пасха.
17.45 «Байкалда куз». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси.
17.55 Коллаж.
18.00 Россиянинг парламент хабарномаси.
18.15 «Европанинг маданий марказлари». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. 1-фильм — «Венеция».
19.30 Хайрли тун, кичкинтойлар!
19.45 От спорти. «Ливерпулча стипельчез». Англиядан кўрсатилади.
20.30 «Время» (сурдо таржимаси билан).
21.15 Н. Пейко. Квинтет-вариациялар.
21.30 «Славянча юриш». Давлат Марказий концерт залидан олиб кўрсатилади.

ТАБИАТНИНГ ЎЗИ ТАБИБ

СУҲБАТИМИЗ давраси тобора кенгаймоқда. Бугун даврага ёшлик йилларини деярли тоғда ўтказган, маданий ва ёввойи ўсимликлар, дов-дарахтларнинг яхши билимдони Жуман ака Саид ўғли қўшилди. Унинг гапларини «табиий ҳолда» муштарийларимиз эътиборига ҳавола этамиз.

АЖИД



— БОШИДАН ўтган табиб, деган нақл бор халқимизда. Бу чин гап. Ёшлигимда отадан етим қолиб, тоғ-тошларни обдон кезганман, жуда кўп ўсимликларни, меваларни истеъмол қилишга тўғри келган. Айниқса, уруш йиллари бундай ёввойи ўсимликлар, мевалар халқ кунига яраган. Деярли очликдан сақлаб қолган. Бундай мўъжизалардан бири ажиддир. Уни ўша пайтларда одамлар «камбағалнинг нони» деб ҳам аташарди.

АЖИД — кўп йиллик ўсимлик, асосан, унинг илдизи истеъмол қилинади. Ажид апрель ойларида ер сатҳидан 2—3 қарич пастга тушган эски зангидан янги илдизлар отади. Улар ёш болалар билаклари йўғонлигида, сапсариқ рангда бўлади. Илдизлар узунлиги 1—1,5 метрга етади. Чўкичларда кавлаб олинади. У қум-шағал оралиғида яхши ўсади. Каттакатта зонтиксимон япроқлари бўлади.

— Қай тариқа ейилади?

— Уни истеъмол қилиш услуби қуйидагича: илдизлар пўсти сабзи каби қирилади. Йўғон бўлса 2—3—4 парракка бўлинади. Қозон тагига таъми яхши дарахт шохларидан панжара ясалади ва унинг устига илдизлар териб қўйилади. Меъёрида сув қуйилади. Сўнг дамланиб, четлари тоза лой билан беркитилади. Нина ёҳуд мих йўғонлигида тешикча қолдирилади. Уч-тўрт соатда пишади. Тахири кетади. Устида «нони», тагида «асали» қолади. «Нони» қатиқ билан ейилади. «Асали» ичилади.

Ажид ошқозон, ўпка, жигар, буйрак хасталикларини батамом йўқотиб юборади.

ОЛҒИ

— ОЛҒИ деган ўсимлик ҳақида ҳам кўп гапирар эдингиз.

— Ҳа, олғи ҳам ғалати хосиятларга эга. У апрель ойларида етилиб, майнинг бошларида пишади.

— Ундан қандай қилиб фойдаланиш мумкин?

— Унинг илдизи ёрмасангда сурилиб, челакка туширилади. Кейин тоза сув билан 5—6 марта ювилади. Ўшанда тахири кетади. Қолган «кепаги» қуритилиб, янчилади. Ун шаклига келади. Унинг бир қошиғи бир оилага овқат бўлади. Сув билан атала ёҳуд сут билан бўтқа қилиб ейиш мумкин.

Олғи қон босими бор кишилар учун беқиёс даводир. Жигар хасталигига учраганлар кафт қилиб отсалар ҳам бўлади. Сариқ касаллиги билан оғриганлардан жуда кўпчиликнинг соғайиб кетганлигини кўрганман.

МАТАР

— ЭНДИ матар деган ўсимлик ҳақида эшитинг. У саримсоқпиёзга ўхшаб ўсади. Барглари қамиш баргсимон, бироқ калта бўлади. Матар сойлик жойларда кўплаб учрайди.

— Матарни еса бўладими!

— Еганда қандоқ... Унинг барглари аввал чакилади, сўнг ёғ билан қовурилади, семиз қўй гўшти қиймасига аралаштирилиб, сомса тугилади ва тандирга ёпилади. Матар қувватлиликда от гўшти қадардир.

Матар витаминга ғоятда бой ўсимлик. Иссиғлиқ. Ошқозонни мустаҳкамлайди, баданни қиздиради. Жигар, буйрак, шунингдек, нафас олиш йўлларини яхши тозалайди. Киши қонини соф қилади...

— Кечирасиз, сиз юқорида айтган ўсимликлар қаерларда учрайди!

— Улар вилоятимиздаги Бўстонлиқ, Паркент, Оҳангарон ноҳиялари атрофларидаги Тянь-Шань, Чотқол, Қурама тоғларида, Чирчиқ, Ўгом, Пском, Оқбулоқ, Арашон дарёлари бошланиш қисмларида кўплаб ўсади. Шуни ҳам айтиш керакки, бу набототлар номлари деярли унут бўлиб кетмоқда. Уларни илмий манбаларга киритиш керак, деб ҳисоблайман.

— Жуда тўғри. Раҳмат!..

Суҳбатдош Р. УМАРОВ.

«КАСКАДЁРФИЛЬМ» БИЛАН ҲАМКОРЛИК

Жангу жадалларга бағишланган кинолавҳаларни мангу лаҳзаларга айлантириш жуда мураккаб кечади. Бундай тасвирларни суратга олишда турли ҳарбий кийимкечаклар, жанг қуролларидан кенг фойдаланилади.

Ана шу хилдаги жиҳозларни тайёрлашда ленинградлик дубулғасоз санъат усталари орттирган тажриба қўл келади. Ленинградликлардан ўрганиб дубулға ва мис ёки пўлат қалпоқлар ишлаб чиқарувчи муассасаларни жойларда ташкил этишга киришилди. Бундай ижодхона Ўрта Осиё киностудиялари учун ҳам махсус ташкил этилмоқда.

Гап шундаки, жанглар ва усталик билан қилинадиган ҳаракатлар манзараларини суратга олувчи ихтисослашган бу студияни очиш ғояси «Темурланг» бадиий эпопеясини яратиш жараёнида олға сурилди. Унинг фаолиятини кенг йўлга қўйиш мақсадида Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон киностудиялари билан яқин ҳамкорлик боғланди. Шу алоқа туфайли «Каскадёрфильм» киностудияси вужудга келади. У «Темурланг» бадиий ленталарини яратишда фаол қатнашиши билан бирга ўзи ҳам мустақил фильмлар устида иш олиб боради.

С. ОДИЛОВА.

РЕСПУБЛИКАЛАР, ЎЛКАЛАР ВА ВИЛОЯТЛАРНИНГ 1991 ЙИЛ 31 МАРТ КУНИ «ЁЗГИ» ВАҚТГА ЎТИШ ТАРТИБИ

СССР ягона вақт ва эталон частоталар давлат комиссияси маълум қилади: 31 март куни 1991 йилдаги «Ёзги» вақтнинг амал қилиш даври бошланади.

СССР Вазирлар Маҳкамасининг СССР ҳудудида «Ёзги» вақтга ўтиш чоғида 1991 йил 31 март соат 2 да вақтни ҳисоблаш тартибини ўзгартиш тўғрисидаги қарори муносабати билан қуйидаги республика ва вилоятларнинг соат мили сурилмайди:

Қорақалпоғистон АССР

Ўзбекистон ССРнинг Бухоро, Қашқадарё, Самарқанд, Сурхондарё, Хоразм вилоятлари.

Қуйидаги республика ва вилоятларда соат мили 1 соат орқага сурилади:

Қирғизистон республикаси

Тожикистон ССР

Ўзбекистон ССРнинг Андижон, Жиззах, Наманган, Сирдарё, Тошкент, Фарғона вилоятлари.

1991 йил 29 сентябрь куни «Ёзги» вақтнинг амал қилиш даври тугагач, Қирғизистон, Ўзбекистон, Туркманистон, Тожикистонда соат миллари сурилмайди.

ҲАМ ҚУВВАТИ, ҲАМ УНУМИ КЎП

МОСКВАДАГИ СССР халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасида Тошкент трактор заводи ўзининг янги маҳсулотини намойиш қилди. Тракторсозлар такомиллаштирган янги уч ғилдиракли МТЗ-80х2м рақамли модел олдингиларидан ўзининг қувватли ва унумдорлиги билан фарқ қилади. 100 от кучига эга бўлган бу машинанинг ишлатилгандаги унумдорлиги 9, пахта терган вақтидагиси эса 30 фоизга ошади. Трактор яна тирналадиган ва илинадиган бир қанча мосламалар билан таъминланганки, бу нарса уни деҳқончиликда ишлатилиш миқёсини янада кенгроқ қилади.

Г. ХОБОТЬЕВ.

РАССОМНИНГ 1 АПРЕЛЬ ҲАЗИЛЛАРИ

— Нима гап, қўшни, одамлар бунча ҳайқиришмаса?
— Ҳабарингиз йўқми, дўконлар молга тўлиб, талонларни бекор қилишибди.

— Бизни чақиртирдингизми?
— Шунчаки ҳазиллашган эдим...

Шавкат МУЗАФФАР ўғли чизган расмлар.

МАКТАБДА НАВОИЙХОНЛИК

ЯҚИНДА Тошкентдаги Аъзамхон Рустамов номли 262-мактабда Алишер Навоий таваллудининг 550 йиллигига бағишланган кеча бўлиб ўтди.

Кечани тил ва адабиёт ўқитувчиси Р. Тиллаев «1991 йил — Алишер Навоий йили» мавзусидаги маъруза билан очди. 5—11-синф ўқувчилари шоирнинг ғазал ва рубоийларидан намуналар ўқишди, саҳна асарларидан парчалар кўрсатишди. Навоий асарларига ишланган расмлар, альбомлар, деворий газеталар, классик мусиқалар даврага файз киритди.

Навоийхонликда район халқ таълими бўлими ходимлари, ўқитувчилар, отаоналар ва ўқувчилар ҳозир бўлдилар. Кеча охирида мактаб директори Азим Мадраҳимов мазкур тадбир яхши ўтганлиги учун тил-адабиёт метод бирлашмаси аъзоларига миннатдорчилик изҳор қилди.

Эълонлар бурчаги

МЕНАТЕП

БАНКЛАРАРО БИРЛАШМАСИ

ИҚТИСОДИЙ АҲВОЛНИНГ БАРҚАРОР ЭМАСЛИГИДАН ТАҲЛИКАДАМИСИЗ? ПУЛИНГИЗНИ ҚАЕРГА ЖОЙЛАШТИРИШ ҲАҚИДА БИР ҚАРОРГА КЕЛГАНИНГИЗ ЙЎҚМИ?

МЕНАТЕП БАНКЛАРАРО БИРЛАШМАСИ АКЦИЯЛАРИ — Бу Сизнинг пулларингизни ишончли ва истиқболли жойлаштириш имконияти, бу йилига 15 фоизгача дивиденд тўланадиган мунтазам ўсиб борувчи курс демакдир!

БИТТА АКЦИЯНИНГ ЎРТАЧА ҚИЙМАТИ — БИР МИНГ СЎМ.

1991 ЙИЛ 15 МАРТИДАГИ АҲВОЛ БЎЙИЧА КУРС ҚУШИМЧАСИ ҚУЙИДАГИЧА:

— жисмоний шахслар (фуқаролар) учун — ўртача қийматининг 40 фоизи ҳажмида;

— ҳуқуқий шахслар (ташкилотлар) учун — ўртача қийматининг 50 фоизи ҳажмида.

МЕНАТЕП акцияларини харид қилар экансиз, Сиз ўзингизнинг эртанги кунингизни хотиржам ва бехавотир кутиб олиш имкониятига эга бўласиз.

Тошкент шаҳрида МЕНАТЕП акциялари ВЭМАХА ХОЛДИНГ КОМПАНИЯСИ томонидан қуйидаги манзилда соат 14.00 дан бошлаб сотилмоқда: Тошкент шаҳри, Ш. Руставели кўчаси, 12-уй.

Маълумотлар олиш учун телефонлар: 56-22-46, 41-55-81.

Муҳаррир Н. НАСИМОВ.

БАҲОСИ: Обуначига — 6 тийин. Сотувда — 10 тийин.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

Буюртма — 4889. Индекс: 64672. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12

НИНГ МАНЗИЛГОҲ: Муҳаррир ўринбосарлари — 335885, 325747, 325748, 337916; масъул котиб — 334808, 325353, масъул